2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 179 (968), 2023 йил 3 сентябрь, якшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ХОТИРЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 2 сентябрь куни Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр мажмуасига ташриф буюриб, Ислом Каримов мақбарасини зиёрат қилди. Қабр пойига гул қўйиб, Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.**

Қуръон оятлари тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, давлат бошқарувини янгидан қурган, тарихимизнинг мураккаб ва оғир даврларида барқарорликни сақлаб, халқимиз манфаатларини таъминлаган.

Президент Шавкат Мирзиёев унинг бу хизматларини муносиб қадрлади. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги қарорига мувофиқ, Биринчи Президентимиз хотирасини абадийлаштириш бўйича кўп ишлар қилинди. Юртимиздаги йирик мажмуалар, шаҳарлардаги марказий кўчаларга Ислом Каримов номи берилди. Тошкентда Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ташкил қилинди, Самарқандда мақбара барпо этилди.

Фидойиларини эъзозлайдиган халқимиз Биринчи Президентимизни ҳурмат билан ёдга олади. Ушбу хотирлаш маросими ҳам ўтганлар ёдига ҳурмат, ёш авлодга ибрат мактабидир.

Маросимда парламент ва ҳукумат аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари иштирок этди.

**ЎзА**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Кўп миллатли халқимиз ҳаётидаги муҳим сана — давлат мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли сиёсат, жамоат ва дин арбобларидан табриклар келмоқда.*

*Хорижий ҳамкорлар ўз қутловларида кейинги йилларда демократик янгиланишлар ва миллий тараққиёт йўлидаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар дастурини амалга оширишда, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва обрўсини юксалтиришда эришилган улкан муваффақиятларни алоҳида қайд этган.*

*Таъкидланганидек, яқинда бўлиб ўтган муҳим сиёсий воқеа — янгиланган Конституциянинг қабул қилингани халқимиз янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ортга қайтмас ислоҳотларни сўзсиз қўллаб-қувватлаётганидан далолатдир.*

*Табрикномаларда давлатимиз раҳбарига янги муваффақиятлар ҳамда Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилаклари изҳор этилган.*



### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент жаноблари!

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига энг самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ўтган йилларда мамлакатларимиз дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни йўлга қўйди. Улар янада ривожланишига, халқларимиз ўртасидаги алмашинувлар ва дўстлик мустаҳкамланишига умид қиламан.

Чин юракдан Сизга мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикасига эса узлуксиз равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Юн Сок ЁЛЬ,**
**Корея Республикаси Президенти**



### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Президент жанобларига ва дўст Ўзбекистон халқига фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ўзбекистон ва Италияни мустаҳкам дўстлик ришталари боғлаб туради. Ушбу дўстлик Сизнинг яқиндаги Италияга ташрифингиз давомида стратегик шериклик ўрнатилишида ўзининг амалий ифодасини топди.

Ишончим комил, Тошкент ва Рим сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги, шу жумладан, Европа Иттифоқи билан муносабатлар доирасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мамлакатларимизга манфаат келтиради.

Тинчлик ва барқарорликни таъминлаш воситаси сифатида мамлакатларимиз ўзаро мулоқот ва англашувга қаратаётган эътибор бугунги шароитларда янада катта аҳамият касб этмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Италия Республикаси ва шахсан ўз номимдан Сиз ва барча юртдошларингизни дилдан қутлайман.

**Сержо МАТТАРЕЛЛА,**
**Италия Республикаси Президенти**



### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни йўллашдан мамнунман.

Покистон Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган мамлакат сифатида турли соҳаларда икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга катта аҳамият беради.

Сўнгги йилларда ўзаро саъй-ҳаракатлар натижасида Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги самарали давлатлараро ҳамкорлик барча соҳаларда умумий манфаатлар йўлида изчил ривожланиб бораётгани қувонарлидир.

Ишончим комилки, биз қардош халқларимиз фаровонлиги, минтақамизда тинчлик, барқарорлик ва бунёдкорона ҳамкорликни таъминлаш йўлида мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни ҳар томонлама мустаҳкамлашда давом этамиз.

Покистон халқи номидан Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва фаровонлик, биродар Ўзбекистон халқига эса абадий тинчлик ва равнақ тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Ориф АЛВИЙ,**
**Покистон Ислом Республикаси Президенти**



### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан Сизга ва халқингизга Қатар Давлати халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан самимий табрикларимиз ва эзгу истакларимизни йўллашдан мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат ҳамда Ўзбекистон халқига фаровонлик ва доимий тараққиёт, шунингдек, келгусида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар янада мустаҳкамланиб боришини тилаб қоламан.

Юксак эҳтиром ила,

**Шайх Тамим бин Ҳамад Ол СОНИЙ,**
**Қатар Давлати Амири**

Давоми 2-бетда

**ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ**

## ҲАР БИР КУН ИМКОНИЯТ, КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

**Илм-фан ютуқлари ва илмий-техник тараққиёт туфайли инсоният учун йил сайин кенг имкониятлар яратилмоқдаки, бу, аввало, турмуш тарзимиз юксалиб боришига хизмат қилиши шубҳасиз. Давр юксак технологик ютуқларни тақдим этиш баробарида олдимизга кўплаб муаммоларни ҳам кўндаланг қўймоқда. Жумладан, дунёда рўй бераётган глобаллашув ва кескин рақобат шароитида кон-металлургия саноати корхоналари учун инновацион ғоялар, замонавий бозор талаблари асосида ишлаш, маҳсулот сифатини оширган ҳолда таннархини тушириш каби масалалар янада долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Бинобарин, кундалик фаолиятда уларни ҳал этмасдан туриб, соҳада бирор жиддий натижага эришиб бўлмайди.**

Давоми 4-бетда



**ЭЪТИРОФ**



## ВАТАННИНГ СЕНДАН РОЗИЛИГИ – УЛУҒ САОДАТ

**Одамзодга кўп ҳолатларда танлов имконияти берилган. Жумладан, касбни, уй-жойни, яхши яшаш учун зарур моддий ашёларни танлаш мумкин. Лекин Ватанни эмас. Ватан бу — қисмат. Уни севиш, тараққиёти йўлида жон фидо қилиш — бурч. Бунинг учун ҳақ талаб қилинмайди. Лекин Ватаннинг сендан рози бўлиши — улуғ саодат! Ватанинг сени қадрлаши — ҳеч нарса билан ўлчанмайдиган бахт!**

Давоми 3-бетда

**ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ**

## МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШИ БЎЛИШ ИМТИЁЗ ЭМАС, МАСЪУЛИЯТДИР

**Мамлакатимизни ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражаси ва ҳаёт тарзини яхшилаш, мавжуд муаммолар бартараф этилишида ёшларнинг ҳам ҳиссаси катта. Мен ҳам ана шу сафда эканимдан ғурурланаман.**

1991 йил Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида туғилганман. Мустақиллигимиз билан тенгдошман. Бу имтиёз менга ҳамиша масъулият юклаган. Болалигимда негадир “Катта бўлсам, ҳоким бўламан”, дердим. Ўшанда, табиийки, ҳокимлик касб эмас, лавозим эканини яхши англамаганман.

Давоми 2-бетда

**КУН МАВЗУСИ**

**Тафаккур инсоннинг турли-туман ахборотларни ақл ёрдамида таҳлиллаш ва унга таянган ҳолда оқилона қарорлар қабул қилишига қаратилган яратувчанлик фаолиятидир. Бу барча тирик жонлар орасида фақат инсонгагина хос.**

## ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШГА ЭРИШИШ УЧУН

### БОШҚАЧА ФИКРЛАШИМИЗ, ЯХШИРОҚ ИШЛАШИМИЗ КЕРАК

Афсуски, иқтисодий тафаккур моҳияти, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, шакллантириш ва ривожлантиришдаги аҳамияти тадқиқотчиларимиз эътиборидан четда қолиб келмоқда. Бинобарин, товар-пул муносабатлари батамом издан чиққан режали иқтисодиёт шароитида иқтисодий тафаккурнинг жамият ривожидаги роли сезиларли даражада сусайиб кетди. Лекин бозор муносабатларига кенг йўл очиб берган замонавий шароитда вазият тубдан ўзгарди, ушбу омилнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий юксалишидаги роли эса кескин ошди. Шу боис, иқтисодий тафаккурнинг жамият ижтимоий тараққиётидаги ролини ошириш муаммолари долзарблашди.

Давоми 5-бетда

**ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС**



## АҲОЛИ ХИЗМАТИДАГИ ТИББИЁТ

### БУ ОДАМЛАР ҲАЁТИ ВА УМР МАЗМУНИНИ ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИРМОҚДА?

5-бетга қаранг.

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бошланиши 1-бетда

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун халқига энг самимий табрикларимни билдиришга ижозат беринг.

Дунёмиз дуч келаётган хатарлар камбағаллик ва тенгсизликдан тортиб, низолар ва иқлим ўзгаришигача — бирдамлик, ўзаро ҳурмат ва англашувга асосланган жамоавий саъй-ҳаракатларни тақозо этмоқда.

Фаровон келажакка эришиш учун ҳар бир мамлакат ўз миллий чегаралари билан чекланиб қолмасдан, тинчлик, инсон ҳуқуқлари, қаерда яшаётганидан қатъи назар, барча одамлар учун равнақ ва барқарор тараққиётни илгари суриш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаши зарур.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ушбу муҳим санани нишонлаётган Ўзбекистон Республикаси халқининг шодлигига шерик бўлар экан, ҳам инсоният, ҳам сайёрамизнинг янада фаровон, янада соғлом ва хавфсиз келажагини таъминлаш бўйича биргаликдаги ишларимиз давом этишига умид қилади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилинг.

**Антониу ГУТЕРРИШ,**
**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,

Сизни Ўзбекистон Республикасининг 32 йиллиги билан дилдан қутлашга ижозат бергайсиз!

Ўзбекистон суверен тараққиёт йилларида ўзини барпо этиш, ижтимоий-иқтисодий ва давлатчиликнинг ҳаётий муҳим тармоқларини ривожлантириш бўйича катта йўлни босиб ўтди. Сизнинг узоқни кўзлаган сиёсатингиз ва тизимли ислоҳотларингиз туфайли қонун устуворлиги мустаҳкамланмоқда, аҳоли турмуш даражаси юксалмоқда ва халқаро ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда.

Янги Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёт модели давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг фундаментал асосларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, чуқур ўйланган ички сиёсат ва прагматик минтақавий сиёсатни юритишга яққол мисолдир.

Ўзбекистоннинг ШҲТ жараёнидаги иштироки ҳамкорлик мазмунини бойитмоқда ва ШҲТнинг халқаро нуфузини оширмоқда.

Ўзбекистоннинг ташаббуслари туфайли кейинги йилларда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида кўп қиррали ҳамкорлик барча йўналишларда чуқурлашиб бормоқда.

Шу муносабат билан Сизга Ташкилот ва ШҲТ Котибияти фаолиятига эътиборингиз ва кўмагингиз учун чуқур миннатдорлик билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва Ўзбекистон Республикаси равнақи йўлидаги фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

**Чжан МИН,**
**Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби**

*Қуйидагилар ҳам ўз табрикларини йўллаган:*
Латвия Республикаси Президенти **Эдгарс Ринкевичс,**
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироли **Чарльз III,**
Швеция Қироли **Карл Густаф,**
Молдова Республикаси Президенти **Майя Санду,**
Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президенти **Ранил Викрамасингхе,**
Мальдив Республикаси Президенти **Иброҳим Муҳаммад Солиҳ,**
Мьянма Иттифоқи Республикаси Давлат бошқаруви кенгаши раиси **Мин Аун Хлайн,**
Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти **Цзинь Лицюнь,**
Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти (ISESCO) бош директори **Салим ал-Малик,**
Ипак йўли фонди раиси **Чжу Цзюнь,**
Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгаши ижрочи директори **Фальк Порше.**

*Қутловлар келишда давом этмоқда.*

## ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

# МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШИ БЎЛИШ ИМТИЁЗ ЭМАС, МАСЪУЛИЯТДИР

**Акмалжон ТЎРАЕВ,**
**Тўрақўрғон тумани ҳокими ўринбосари**

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистонда ўтган йилларда қанча оламшумул ўзгаришлар юз берган бўлса, ҳаётимда ҳам шу қадар янгиликлар кўп бўлган. Фаолиятим тумандаги аҳоли турмуш тарзи, демакки, юртдошларимнинг орзу-ўйлари, умид-истаклари билан боғлиқ. Қисқа давр мобайнида Тўрақўрғон ҳар томонлама таниб бўлмас даражада ўзгарди, ҳаёт фаровонлашди. Ёш бўлсам-да, бу ободликларда ҳиссам борлигидан қувонаман.

> Аҳолининг ичимлик сув билан боғлиқ муаммолари ўз ечимини топаётир. Қисқа даврда 13 та янги сув қудуғи қазилди ва 570 километр янги ичимлик сув тармоғи тортилди. Бунинг натижасида 2021 йилда туман аҳолисининг 55 фоизи ичимлик сув билан таъминланган бўлса, айни кунга қадар қадар бу кўрсаткич 83 фоизга етказилди.



Наманган муҳандислик-педагогика институтини битирган йилим юртимизда янги ислоҳотлар даври бошланди. Ҳар бир соҳа жадал янгиланишга, ўзгаришга юз тутди. Дастлаб туман архитектура ва қурилиш бўлимида мутахассис, ҳокимликда инвестиция, саноатни ривожлантириш бўлимларида етакчи мутахассис бўлиб ишладим. 2021 йилдан Тўрақўрғон тумани ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари лавозимига тайинландим.

30 ёш — йигит умрининг куч-қувватга, салоҳиятга тўла палласи. Шу ёшда юрт ва халқ фаровонлигига масъул вазифа менга ишониб топширилиши — катта масъулият.

Қисқа фурсат — икки йил ичида Тўрақўрғон туманида 17 та мактаб, 14 та мактабгача таълим ташкилоти жорий ва мукаммал таъмирланди. 7 та ҚВП ва ОШП, 1 та марказий шифохона мукаммал таъмирланди, 330 ўринли янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, узоқ йиллардан бери амалга оширилмаган "Ёшлар ва маънавият маскани", Кадастрлар палатаси Тўрақўрғон тумани бўлимига, 27 та МФЙга янги маъмурий бино қурилди.

Ҳар бир инсон ўз уйи, хотиржам яшашга бошпанаси бўлишини истайди. Шу мақсад йўлида куну тун меҳнат қилади. Бугун юртимизда қад ростлаётган иншоотлар, янги кўп қаватли уйлар маҳобатига ғурур билан боқиб, ўша обод хонадонларда яшаётган одамлар қалбидаги шукроналик, қувонч ҳисларини пайқаш қийин эмас. Ахир диёримизнинг барча шаҳару туманлари, энг чекка ҳудудларида қурилаётган турар жой бинолари ва замонавий массивлар минглаб юртдошларимизни уй-жой ва иш билан таъминлашга хизмат қиляпти.

Туманимизда 512 хонадондан иборат 15 та кўп қаватли турар жой қад ростладики, одамлар кўзида қувончни кўриб, мен ҳам ана шу қувончга дахлдор эканимдан мамнун бўламан.

Аҳолининг ичимлик сув билан боғлиқ муаммолари ўз ечимини топаётир. Қисқа даврда 13 та янги сув қудуғи қазилди ва 570 километр янги ичимлик сув тармоғи тортилди. Бунинг натижасида 2021 йилда туман аҳолисининг 55 фоизи ичимлик сув билан таъминланган бўлса, айни кунга қадар қадар бу кўрсаткич 83 фоизга етказилди.

48 та янги трансформатор ўрнатилиб, 84 километр янги электр тармоғи тортилди. Натижада 2023 йилда электр таъминоти 2021 йилдагига нисбатан 30 фоиз яхшиланди.

Туман аҳолисининг 35 фоизи табиий газ, 65 фоизи суюлтирилган газ билан таъминланган. Сўнгги уч йилда 246 километр газ қувури, мавжуд 36 та газ тақсимлаш пункти тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Қўшимча 110 та янги газ баллони фуқароларга тарқатилди.

Йўллар манзилни манзил билан боғловчи асосий воситадир. Равон йўллар аҳоли турмуш тарзига таъсир кўрсатади: узоғини яқин, оғирини енгил қилади. Бугун мамлакатимиз бўйлаб йўлсозлик соҳасида ҳам катта ташаббуслар кўр олмоқда. Соҳани ривожлантириш, халқаро талаблар даражасига келтиришга алоҳида ёндашув бошланди. Замонавий йўллар қурилмоқда, йўл ўтказгичлар, кўприклар, пиёдалар учун ер ости ва ер усти йўллари бунёд этилмоқда. Юртимизнинг чекка-чекка қишлоғу овулларида ҳам ички йўллар таъмирланиши, тупроқ кўчалар ўрнида замонавий йўллар бунёд бўлаётгани аҳоли турмуши фаровонлигига ҳисса қўшмоқда.

Туманимизда бу борада ҳам талай ишлар қилинди. Сўнгги 3 йил давомида 92 километр ички йўл асфальтланди, 215 километри шағаллаштирилди. 25 километр умумфойдаланувдаги автомобиль йўли таъмирланди. Ҳали бу ишлар катта кўламда давом этади.

Йўл бошидамиз. Амалга оширишни мақсад қилган ишларимиз жуда кўп. Президентимиз таъбири билан айтганда, "Ёшлик — ғанимат, вақт — ғанимат, фурсат борида отни қамчиланг! Давлатимиз, халқимиз яратиб бераётган имкониятларнинг қадрига етинг! Дунёга ўз сўзингизни айтинг!".

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ВА МЕҲНАТСЕВАР ХАЛҚИНИНГ БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИГА ЕЛКАДОШ БЎЛИШДАН МАМНУНМИЗ

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлатимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи хусусида хитойлик экспертлар ва ишбилармон доира вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.**



**Ли ЦЗИГО,**
**Хитой халқаро муносабатлар академиясининг Евроосиё тадқиқотлари институти директори:**

— Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён мамлакат равнақи, халқ фаровонлиги ҳамда Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ўз мақсадини аниқ шакллантирди.

Президент таъкидлаганидек, янги Ўзбекистон энди орзу эмас, балки ҳақиқатдир.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Ўзбекистон тараққиёт ва фаровонлик сари тарихан муҳим қадамлар қўйди. Давлатнинг ҳар бир фуқароси эришилган ижобий ютуқларни ўз ҳаётида ҳис этди.

Марказий Осиё минтақаси тараққиётининг янги даври очилди. Қисқа вақт ичида Ўзбекистон раҳбарининг шахсий ҳиссаси туфайли минтақада кўп йиллар давомида тўпланган муаммолар ўз ечимини топди. Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари билан барча соҳалардаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди.

**Дин СЯОСИН,**
**Хитой замонавий халқаро муносабатлар академиясининг Евроосиё институти директори:**



— Ўзбекистон раҳбарининг нутқи таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакатнинг янгиланган Конституциясида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва манфаатлари унинг давлат фаолиятида устувор аҳамиятга эга.

Бу вазифалар долзарблик касб этгани ҳолда, Ўзбекистонни янада модернизация қилиш ва янги рақобатбардош давлатга айлантиришга хизмат қилади. Булар, биринчи навбатда, иқтисодиётни либераллаштириш, таълим ва соғлиқни сақлаш, бизнесни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, сув ва ёқилғи-энергетика муаммоларини ҳал этишдир.

Президент Шавкат Мирзиёев самарали, ўзини ўзи таъминлайдиган давлатнинг асосий омили сифатида мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Шу нуқтаи назардан, бу ерда тадбиркорлик учун янада қулай шарт-шароит ва янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш каби устувор вазифалар ҳақида гап кетмоқда.

Ўзбекистон 2030 йилга келиб, мамлакат ЯИМ ҳажмини 160 миллиард долларга етказишни ўз олдига улкан мақсад қилиб қўйган. Ҳозирги ривожланиш суръати, шунингдек, мамлакатнинг иқтисодий, демографик, интеллектуал, технологик ва ресурс салоҳияти ўсиб бораётганини ҳисобга олсак, бу мутлақо амалга ошириладиган вазифа, дейиш мумкин.

Президент ўз нутқида қайд этган қатор устувор йўналишларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон тараққиётига янги суръат бағишлайди. Бунга ёшлар ва аёлларни замонавий касбларга ўргатиш, уларнинг бандлигини юксалтириш билан эришиш мумкин.

**Су ЧАН,**
**Хитой ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти етакчи илмий ходими:**



— Ўзбекистон ўз тамойиллари ва позицияларига содиқ қолган ҳолда тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда. Давлат раҳбарининг прагматик ва оқилона сиёсати, халқнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳнатсеварлиги туфайли мамлакат йилдан-йилга юксак марраларни забт этмоқда. Ўзбекистон эришган ютуқлар халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳоланаётир.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият сезиларли даражада яхшиланди.

Сўнгги олти йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми 1,5 баробар, тадбиркорлик субъектлари сони 2 баробар, саноат ўсиши 40 фоиздан ошгани бунинг яққол тасдиғидир. Ўзбекистон қисқа вақт ичида қашшоқликни 2 баробардан зиёд қисқартиришга эришди.

Янги таълим ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш, шунингдек, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Ушбу долзарб вазифаларни ҳал қилмасдан туриб, кўзланган мақсад ва натижаларга эришиш мумкин эмас.

Бу саъй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистон ўз тараққиёти ва равнақи йўлида янги марраларни забт этишига ишончим комил.

**Жэк ЛИ,**
**"ZTE" компаниясининг халқаро департаменти директори:**



— Ўзбекистон жадал ривожланиш суръатларини намойиш этаётгани, халқаро ҳамжамият учун жозибадор бозорга айланиб бораётгани жуда қувонарли. Шу туфайли дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, Хитой ишбилармонларининг ўзбекистонлик шериклар билан фаол ҳамкорликка қизиқиши ортиб бормоқда. Сўнгги 5 йилда Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 10 миллиард доллардан ошгани бунинг далилидир.

Ўзбекистон бундан буён ҳам ўз тараққиёти ва миллий тикланиш йўлида изчил давом этишига аминман.

**Лиу ВЕЙ,**
**"XI'AN PUS GROUP" компанияси таъсисчиси:**

— Шу кунларда Ўзбекистон халқи ўз юрти мустақиллигининг 32 йиллигини кенг нишонламоқда. Ушбу муҳим сана муносабати билан ўзим ва компаниям номидан ўзбек халқига байрам табрикларимни изҳор этаман.

> **Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги иқтисодий ўсиши ва аҳоли турмуш даражаси яхшиланаётгани исботини мамлакатингиз билан боғлиқ фаолиятим давомида кўрмоқдаман.**

Жорий йил май ойида Сиан шаҳрида бўлиб ўтган Хитой — Марказий Осиё саммитидан буён Ўзбекистонга уч маротаба ташриф буюрдим. Мен Президентнинг оқилона раҳбарлиги остида Ўзбекистон кун сайин янги ислоҳотлар асосида ривожланиб бораётганини чуқур ҳис этмоқдаман.

Бизнинг "XI'AN PUS GROUP" жамоамиз, шунингдек, "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасида Самарқанд вилоятида янги энергетика, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма, биотиббиёт, соғлиқни сақлаш соҳаларига инвестицияларни фаол равишда жалб қилиб, Ўзбекистоннинг Гуанчжоудаги Бош консулхонаси билан бирга ўз фаолиятимиз доираларини кенгайтиришда давом этмоқдамиз. Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ва меҳнатсевар халқи бахт-саодати йўлидаги саъй-ҳаракатларига елкадош бўлишдан мамнунмиз.

**"Дунё" АА**
*Пекин*

## МУНОСАБАТ

**Мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишланган тантанали маросимда мен ҳам фаол ёшлар сафида иштирок этдим ва Президентимиз нутқини тингладим.**

# ЭРКИН ФИКР ВА ХОЛИСЛИК МЕЗОНИ

**Ислом АСИЛБЕКОВ,**
**Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети магистранти, "Мард ўғлон" давлат мукофоти соҳиби**



Эътибор қилсак, давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир нутқида, жойлардаги мулоқот чоғида, албатта, журналистларга ишонч билдириб, улар ҳақида илиқ фикрлар билдиради. Бу гал ҳам шундай бўлди.

**"Бугун ривожланган фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳақида гап борар экан, буни сўз ва матбуот эркинлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бутун дунёда журналистлар ўзлари ва жамиятни ўйлантираётган, хавотирга солаётган мавзулар ҳақида гапириш ва ёзиш ҳуқуқи учун, ҳақиқат учун курашганлар ва бундан кейин ҳам курашадилар.**

**Аммо ишонч билан айта оламанки, мен эркин фикрли журналистлар тарафида бўлганман ва доимо шу позицияда бўламан. Айни вақтда ахборот маконида ҳаққонийлик ва холислик бош мезон бўлиши керак",** деди Президент ўз нутқида.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлиги, ОАВ ходимлари, журналистларга бўлган эътибор анча жонланди. Бу борада сўз кетганда, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини мисол қилиб келтириш ўринли бўлади. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар изчил, замонга ҳамоҳанг тарзда давом эттирилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Президентимиз эса доимий равишда ижод аҳлини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу журналистика йўналишида таҳсил олаётган талабаларни ҳам қувонтиради, албатта.

Мен жорий йилда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг бакалавр йўналишини тамомлаб, магистратура босқичига имтиёзли равишда, давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим.

Журналистика бўйича республика миқёсидаги ва халқаро танловларда муваффақиятли иштироким ва табиийки, аввало, устозларимнинг йўл-йўриқлари, сабоқлари самараси ўлароқ, "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирландим. Бу, ўз навбатида, журналист сифатида менга катта масъулият юклайди.

Биз танлаган касб виждон амри билан яшаш ва ишлашни талаб қилади. Ана шундай машаққатли меҳнат йўлида бизни Президентнинг ўзи қўллаб турар экан, маррани катта олиш, ишончга муносиб бўлиш энг тўғри йўлдир.

**ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!**

Глобаллашув ва ахборот макони жадал ривожланаётган ҳозирги даврда халқаро гуманитар ҳамкорликнинг роли янада ортмоқда. Бундай шароитда турли давлатларда яшаётган халқлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни, миллатлар ва динлараро тотувликни мустаҳкамлаш, цивилизациялараро мулоқотни кучайтириш халқ дипломатияси фаолиятининг асосий мақсади саналади.

# ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ

## ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТИ, ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК РАМЗИ

**Қобилжон СОБИРОВ,
Ўзбекистондаги
ШҲТ Халқ дипломатияси
маркази директори**



Ватанимиз озодлиги бизга халқаро маконда тенглар ичида тенг бўлиш, эркин сўз айтиш, ижтимоий-сиёсий, маданий-гуманитар алоқаларга киришиш имконини берди.

Истиқлол миллий тараққиётимиз истиқболлари учун қулай жуғрофий-сиёсий имкониятларга эгалик ҳамда мустақил ташқи сиёсат юритиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш учун имкон берди. Хусусан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги ўрни, бу ҳудудда истиқомат қиладиган халқларнинг қадимдан ҳамжиҳат бўлиб келгани минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ташқи сиёсат юритишни ижтимоий заруратга айлантирди.

Бугунги кунда мамлакатимиз халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига асосланган ҳолда жаҳон ҳамжамияти, энг аввало, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни ҳамкорлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш, тинчлик ва тотувлик асосида мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга интилиб келмоқда.

Шу ўринда мустақиллик ва халқ дипломатияси тушунчалари бир-бирига ўзаро уйғун эканини таъкидлаш жоиз. Тарихан ҳар икки тушунча тенглик тамойилларига асосланган ҳолда ривожланиб келган. Қачонки давлат озод ва эркин бўлса, ўша мамлакат халқи мустақил халқ дипломатиясини юрита олади. Қачонки мустақиллик тенглик тамойилига асосланса, халқ дипломатияси ҳам халқларнинг ўзаро тенг ҳамкорлигини вужудга келтиради.

Юртимизда мустақилликка эришилгандан сўнг халқ дипломатияси масаласига алоҳида эътибор берила бошланди. Узоқ-яқин мамлакатлар билан алоқаларда кенг жамоатчилик ва халқ вакиллари иштироки катта бўлди. Халқ дипломатияси ҳақида оммавий ахборот воситаларида туркум кўрсатувлар, олимларнинг фикр-мулоҳазалари акс этган мақолалар бериб борилгани унга нисбатан жамиятнинг қизиқиши ортишига олиб келди.

Гарчи “халқ дипломатияси” атамаси замонавий даврда пайдо бўлган бўлса-да, Ўзбекистон учун у чуқур тарихий ва ижтимоий-маданий асосларга эга. Миллатлараро, маданиятлараро, конфессиялараро ва тиллараро бағрикенглик ўзбек этноси учун хос фазилатлардан.

Ўзбек халқи тарихан Буюк ипак йўли чорраҳасида турли маданият, тил ва диний қарашларга эга халқлар билан ўзаро цивилизациявий алоқада шаклланган. Халқ дипломатияси тарихнинг барча даврларида тўхтовсиз ривож топиб борган ва бу факт унинг ижтимоий тараққиёт ҳамда жаҳон сиёсатидаги аҳамияти янада ортишини англатади.

Миллий давлатчилигимиз неча минг йиллик қадимий тарих ва бой маданиятга эга. Бинобарин, дипломатик муносабатлар ҳам тарихимизнинг энг чуқур қатламларига бориб тақалади.

Бугунги кунда фаол ташқи сиёсат юритаётган Ўзбекистон учун халқаро муносабатларда халқ дипломатияси усул ва воситаларидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, аввало, ушбу соҳани илмий жиҳатдан ўрганиш ва уни ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга жорий этиш зарурати туғилади.

Халқ дипломатиясининг давлатчилик нуқтаи назаридан аҳамияти юқори, у ҳар бир давлатнинг халқаро алоқаларида бошланғич қадамдир. Мустақиллик бизга жаҳондаги барча давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг асосий йўналишларини ўзи белгилаш ҳуқуқини берди. Ўзбекистон буюк аждодларнинг мероси, миллий урф-одатларни инобатга олган ҳолда тинчлик, ҳамжиҳатлик, барқарорлик, миллий бирлик, фуқаролар фаровонлигини таъминлаш учун жамиятни тубдан ўзгартиришга, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик сиёсатини юритишга киришди.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасидаги муҳим устувор йўналиши дунёнинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлари билан стратегик шериклик ҳамда ҳамкорликнинг мувозанатланган тизимини шакллантиришдан иборат.

Нисбатан қисқа вақт ичида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти халқаро муносабатларда муҳим роль ўйнайдиган нуфузли халқаро тузилмага айланди.

ШҲТга асос солинган даврдан бошлаб ҳозирги кунгача аъзо давлатларнинг асосий мақсади узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга қаратилган. Ўтган 22 йил ичида ШҲТ минтақаси ривожидаги эришилган ютуқлар кўрсатадики, аъзо давлатлар томонидан биргаликда илгари сурилган ўзаро ишонч, тенглик, маслаҳатлашувлар, турли цивилизацияларга ҳурмат ва умумий ривожланиш истаги каби қадриятлар вақт синовидан ўтди ва жиддий халқаро ўзгаришларга дош бериб, ишонч манбаи, ҳаётийлик ҳамда ташкилот нуфузини ошириш учун битмас-туганмас ҳаракатлантирувчи кучга айланди.

ШҲТ Бош котиби Чжан Мин таъкидлаганидек, “...Биз минтақани аввалгидан кўра хавфсизроқ қилиш, халқларимизнинг янада яхши яшаши ва ҳамкорлигимизни янада чуқурроқ, кенгроқ ва мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилишимиз керак”.

ШҲТ оиласига аъзо давлатлар биргаликда тотув яшаши учун керакли шароит ва қулайликларга эга. Ушбу қулайлик даражаси, асосан, иккита омилга боғлиқ. Биринчиси, “Шанхай руҳи”. Бу тамойил аслида мультилатерализм ғоясини тарғиб этади, давлатлараро муносабатларни тенглик, ўзаро ҳурмат, бир-бирининг манфаат ва муаммоларини ҳисобга олиш, ички ишларига аралашмаслик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида қуриш зарурлигини илгари суради.

Иккинчи омил — ШҲТ хавфсизлик концепцияси. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар узоқ муддатли ҳамкорликка асосланган ҳолда тенг, умумий, кенг қамровли ва барқарор хавфсизлик концепциясини шакллантирди.

Ўтган йили ШҲТнинг Самарқандда бўлиб ўтган саммитида аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан Беларусь Республикасининг ташкилотга тўлақонли аъзо сифатида, Баҳрайн, Кувайт, Мальдив ороллари, БАА ва Мьянмага мулоқот бўйича шериклар сифатида қўшилиш жараёни бошланиши бўйича қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон ташаббуси билан амалга оширилаётган янги ташқи сиёсат йўналиши мамлакатимизнинг минтақавий ва халқаро ташкилотлар, жумладан, ШҲТда ўзаро муносабатлари фаоллашиб, мавқеини мустаҳкамлаб бораётганида



**ШҲТ ОИЛАСИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР БИРГАЛИКДА ТОТУВ ЯШАШИ УЧУН КЕРАКЛИ ШАРОИТ ВА ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЭГА. УШБУ ҚУЛАЙЛИК ДАРАЖАСИ, АСОСАН, ИККИТА ОМИЛГА БОҒЛИҚ. БИРИНЧИСИ, “ШАНХАЙ РУҲИ”. БУ ТАМОЙИЛ АСЛИДА МУЛЬТИЛАТЕРАЛИЗМ ҒОЯСИНИ ТАРҒИБ ЭТАДИ, ДАВЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТЕНГЛИК, ЎЗАРО ҲУРМАТ, БИР-БИРИНИНГ МАНФААТ ВА МУАММОЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ, ИЧКИ ИШЛАРИГА АРАЛАШМАСЛИК, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ҚУРИШ ЗАРУРЛИГИНИ ИЛГАРИ СУРАДИ.**

намоён бўлмоқда. Мамлакатимиз мазкур ташкилотни институционал мустаҳкамлаш ва мувозанатли ривожлантиришга қаратилган конструктив таклиф ва ташаббусларни тизимли равишда илгари сурмоқда, шунингдек, унинг ривожланиш стратегиясини белгилашда фаол иштирок этмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев аъзо давлатлар аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган яхши қўшничилик анъаналарини қадрлаши, асраб-авайлаши, мустаҳкамлаши ва келажак авлодларга етказиши муҳимлигини бир неча бор таъкидлаган. Икки ва кўп томонлама муносабатларда ўзаро ишончни чуқурлаштириш халқаро ҳамкорликни муваффақиятли ривожлантиришнинг асосий кафолати эканини қайд этган.

Бугунги кунда халқ дипломатиясининг жамиятимиз ва маданиятимизга хос янги жиҳатлари намоён бўлмоқда. Айниқса, халқ дипломатиясида жамоат ташкилотлари саъй-ҳаракати жуда муҳимдир. Чунки халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашнинг энг яхши усули бўлгани учун у жамоат ташкилотлари ва оддий инсонлар иштирокида ривожланади. Натижада халқаро иқтисодий муносабатлар аста-секин этномаданий, интеллектуал-маърифий, ахлоқий, диний-сиёсий тус ола бошлайди.

Бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро чамбарчас боғланган дунёда ШҲТ давлатларидаги нодавлат ташкилотлар халқ дипломатиясининг ҳаракатлантирувчи кучига айланиши керак. Шундагина у халқлар даражасида яқинлашиш учун чинакам платформага айланиши мумкин.

Халқ дипломатияси мустақиллик шарофати билан бизни жаҳон халқлари билан янада яқинлаштирди, Ватанимизни танитди, ўзбек миллати закоси ва жисмоний салоҳиятини намойиш этиш имконини берди.

**ЭЪТИРОФ**



# ВАТАННИНГ СЕНДАН РОЗИЛИГИ – УЛУҒ САОДАТ

Бошланиши 1-бетда

**Мен энг улуғ, энг азиз бўлган Мустақиллик байрами кунларида ана шундай туйғулар оғушида яшаяпман. Негаки камтарин хизматларим юксак даражада эътироф этилди — “Дўстлик” ордени билан тақдирландим. Тўғриси, бундай кезларда елкангдан қанот ўсиб чиқар экан. Қалбингда янги улкан марраларга интилиш ҳисси кучаяр экан.**

**Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари
доктори, профессор,
“Дўстлик” ордени соҳиби**



Олий таълим соҳаси вакили, адабиётшунос сифатида бугун мамлакатимизда таълим-тарбия тизимига, адабиёт ва бадиий ижодга эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайганини теран ҳис этаман. Президентимизнинг деярли ҳар бир нутқида, халқ вакиллари ҳамда соҳа ходимлари билан учрашувларда **“Муаллим, муаллим, муаллим! Таълим, таълим, таълим! Илм, илм, илм!”** дея қайта-қайта таъкидлаши замирида улкан маъно бор. Негаки муаллимни қадрламай туриб, таълим тизимини ривожлантириш имконсиз. Таълим-тарбия соҳасини замон талаблари даражасига кўтармай туриб, баркамол авлодни етиштириб бўлмайди. Илму маърифат юксалмас экан, Ватан ва миллат тараққиёти ҳақидаги орзулар орзулигича қолиб кетиши мумкин. Шунинг учун бу куйиниш бежиз эмас. Бунинг замирида Ватанга ва халққа муҳаббат туйғуси турибди.

Орзу инсон ҳаётига мазмун бағишлагани каби улуғвор ғоялар Ватан ва миллат тараққийсига хизмат қилади. Учинчи Ренессанс ғояси шу маънода Ўзбекистонимизнинг ҳар жабҳада ривожланишини, халқимизнинг мутараққий миллатлар даражасига юксалишини таъминлайди. Фақат бунинг учун ҳар бир ватандошимиз ана шу ғоя атрофида бирлашмоғи керак. Миллатнинг ҳар бир фарзанди ўз касби ва салоҳиятидан келиб чиқиб, ушбу ғояни амалга оширишга жону дил ила киришмоғи зарур.

Адабиётшунос сифатида аслида буюк аждодлардан мерос нодир қўлёзма манбалар бўйича мутахассисман. Номзодлик ва докторлик диссертацияларимни улуғ маърифатпарвар шоир Зокиржон Фурқат адабий меросининг манбалари, матний тадқиқи, бадиияти бўйича ҳимоя қилганман. Лекин буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур ижодидан Муҳаммад Ризо Огаҳий асарларигача, Фурқат, Муқимий каби маърифатпарвар шоирлар назмий меросидан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат ва Абдулҳамид Чўлпон асарларигача, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов шеъриятидан Эркин Аъзам ва Хайриддин Султон насригача, улардан адабий танқид муаммоларигача тадқиқ қилишга интилиб келаман. Устозим академик Азиз Қаюмов **“Адабиётшунос бир-икки ижодкор ёки муайян давр адабиёти билан чегараланиб қолмаслиги керак. У адабиётнинг барча даврларини билиши ва уларга муносабат билдира олиши зарур”,** дея таъкидлаган. Қўлимдан келганича, устознинг ана шу ўгитларига амал қилиб келяпман.

Ўзбек халқи бадиий-эстетик тафаккури юксалишида буюк Алишер Навоийнинг ўрни беқиёс. Улуғ мутафаккир асарларидан башарият олдида барча замонларда юзага келиши эҳтимоли бўлган муаммоларга ечим топиш мумкин. Инсон ҳаётида учрайдиган ҳар қандай вазиятга доир бебаҳо ҳикматларини ўқиб, сабоқ ва ибрат оласиз. Айни кезда Ҳазрат Навоий бобомизнинг беқиёс адабий меросини янгича қарашлар асосида кенгроқ кўламда, чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қиляпман. Буюк бобокалонимизнинг

*Нафъинг агар халққа бешак дурур,*
*Билки, бу нафъ ўзунга кўпрак дурур,*

деган беқиёс ҳикмати бор. Миллий адабиётшунослигимиз ривожи йўлида қалб-қўрим билан бажараётган камтарин хизматларимнинг юксак даражада қадрлангани ана шу ҳикматнинг ҳаётдаги тасдиғи, деб биламан.

Юксак эътибор кўнглимдаги улкан ишларга рағбатни янада кучайтириб юборди. Бор илмим ва салоҳиятимни жондан азиз Ватанимиз равнақига, муаззам адабиётимиз ва адабиётшунослигимиз юксалишига сафарбар этиш ҳаётимга мазмун, жону танимга куч бағишлайди.

**ШУКУҲ**

# УЛКАН МАҚСАДЛАРИМИЗНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИ

**Мустақиллик байрами арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз қаторида мен ҳам давлатимизнинг юксак мукофоти — I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирландим. Тўғриси, бу ҳақдаги хабарни эшитганимда жуда ҳаяжонландим, бениҳоя мамнун бўлдим. Чунки бу мукофот камтарона хизматимнинг юксак эътирофи эди.**



**Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси қўмита раиси,
I даражали “Соғлом авлод
учун” ордени соҳиби**

Ўттиз саккиз йиллик меҳнат фаолиятимнинг асосий қисми ижтимоий соҳалар билан боғлиқ. Хусусан, сўнгги йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси сифатида бу соҳаларда кечаётган ҳуқуқий, ташкилий жараёнлар билан яқиндан танишман.

Ижтимоий соҳанинг энг муҳим йўналишлари таълим ва тиббиётдаги ислоҳотлар тўғридан-тўғри инсон ҳаёти ва камолотига ўз таъсирини ўтказади. Шу жиҳатлар эътиборга олиниб, охирги йилларда жамиятимизнинг бошқа соҳалари қаторида таълим ва тиббиётга йўналтирилган лойиҳалар кўлами кенгайди. Хусусан, Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили, деб эълон қилинган жорий йилда ҳам бу борада катта-катта дастурлар ҳаётга татбиқ этиляпти. Таълим ва тиббий хизмат сифати ошмоқда.

Ижтимоий ҳимоя ҳар бир мамлакат сиёсатида, эртанги тараққиётида устувор аҳамият касб этади. Зеро, ҳаётда учрайдиган турли тасодифий ҳолатлар, бахтсиз ҳодисалар ёки бошқа сабаблар туфайли ўзгалар кўмагига муҳтож бўлиб қолган, шунингдек, эҳтиёжманд аҳоли қатламига зарур ёрдам кўрсатилмай туриб мамлакатни ривожлантириш мушкул. Шу боис, юксак марраларни кўзлаган ҳар қандай давлат, аввало, ушбу масалаларни ҳал этишга чоғланади.

Бироқ бугун дунёда рўй бераётган глобал ўзгаришлар шароитида иқтисодий инқирозлар туфайли айрим ривожланган давлатларда аҳолининг ижтимоий ҳимоясига ажратиладиган маблағ кескин қисқармоқда.

Шуниси қувонарлики, дунёдаги ана шундай жараёнларга қарамасдан, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ижтимоий сиёсат чуқурлашмоқда. Аҳолининг ижтимоий ҳимояси масаласига жуда катта эътибор қаратиб келинаётир. Бугун давлат томонидан турли кўринишдаги ижтимоий ёрдам ва нафақа олувчи оилалар сони беш карра ошди. Бу мақсадларга ҳар йили 11 триллион сўмдан кўпроқ маблағ йўналтириляпти. Махсус дафтарларни юритиш орқали ажратилаётган маблағлар мақсадли, манзилли ўз эгасига етиб бориши йўлга қўйилди. Бу ишларни мувофиқлаштирадиган ва назорат қиладиган — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.

Яқин-яқингача тиббиёт тизимида ҳам аҳвол жуда оғир эди. Кўплаб юртдошларимиз мураккаб тиббий операцияларни ўтказиш учун чет элларга боришга мажбур бўларди. Тиббиёт соҳасини ривожлантиришга оид ислоҳотлар натижасида бундай амалиётлар энди ўзимизда ҳам муваффақиятли бажариляпти. Энг аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати ва самарадорлиги ошди, соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари янги босқичга кўтарилди. Кўп тармоқли поликлиника ва шифохоналар моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Дунёнинг ривожланган, иқтисоди бақувват мамлакатларида молиявий-иқтисодий инқироз боис, ишчи ўринлари, ижтимоий ҳимоя дастурлари қисқараётган, бунинг оқибатида кўплаб муаммолар, норозилик кайфиятлари юзага келаётган бир пайтда мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати йил сайин юксалиб, ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиши, одамлар даромади тобора ошиб бораётгани кўпчилик мамлакатлар учун ҳавас қиладиган даражада десак, муболаға бўлмайди.

Аёл сифатида жамиятимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятда фаоллигини ошириш бўйича қилинаётган ишлар ҳам мени беҳад қувонтиради. Барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз, охирги йилларда опа-сингилларимизнинг давлат бошқарувида ва бошқа соҳалардаги иштироки кенгаймоқда. Хусусан, парламентда ҳам аёллар сони кўпайди. Ўзбекистон тарихида илк маротаба миллий парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Айнан шу кўрсаткич бўйича юртимиз Топ-50 таликдан ўрин олган. Бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 27 фоизни ташкил этмоқда.

Президентимизнинг жорий йилда бўлиб ўтган Сайловолди дастурида келгуси етти йилда мамлакатда амалга ошириладиган муҳим масалалар белгилаб олинди. Шу асосда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ишлаб чиқилди ва у тасдиқланиш арафасида турибди.

Бир сўз билан айтганда, бугун халқимиз орзусидаги давлат — янги Ўзбекистоннинг пойдеворини қурдик. Энди унинг мукаммал қад ростлаб, кўкка бўй чўзиши учун интилиш ва ҳаракатни тўхтатмаслигимиз лозим. Табиийки, бундай юксак марраларга эришиш ўз-ўзидан, осон бўлмайди. Бу йўлда бизга Ватанга бўлган юксак муҳаббатимиз, ҳамжиҳатлигимиз, буюк келажакка бўлган интилишимиз мададкор бўлажак.



ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

# ҲАР БИР КУН ИМКОНИЯТ, КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ



**Қувондиқ САНАҚУЛОВ, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси — бош директори**



**Комбинат жамоасини улкан марраларга руҳлантирган яна бир воқеа тўғрисида айтиб ўтсам. 2018 йилда комбинатнинг 60 йиллиги кенг нишонланди. Байрам муносабати билан мамлакатимиз раҳбарининг жамоамизга йўллаган табригидаги “Навоий кон-металлургия комбинатининг юксак профессионал малакали, аҳил ва истеъдодли жамоаси кенг миқёсли вазифаларни муваффақиятли адо этишига ишонаман...”, деган сўзлар кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшди.**

Бошланиши 1-бетда

Шу соҳада қарийб 50 йилдан буён ишлаб келаётган бўлсам, кейинги йилларда амалга оширилаётган ишларимизни тасаввур ҳам эта олмасдик. Бугун Навоий кон-металлургия комбинатининг малакали муҳандис ва тажрибали мутахассислари мардона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти билан жамоа олдига қўйилган барча вазифаларни шараф билан бажаряпти. Албатта, бу ютуқларга эришишда ҳукуматимиз томонидан комбинатга зарур шароитлар яратиб берилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мустақиллик байрамининг ўттиз икки йиллиги амалга оширилган ишларимиз, оламшумул ютуқларимизни сарҳисоб қилиб, улуғвор режаларимизни белгилаб олиш учун муносиб санадир.

Аввало, юртимизнинг нафақат йирик шаҳарлари, балки энг чекка ҳудудлари қиёфаси, ишлаб чиқаришнинг турли соҳа ва тармоқлари ҳам тубдан ўзгарганини таъкидлаб ўтиш керак. Барча соҳаларда юз бераётган янгиланишлар, мустақиллик берган имкониятлар Ватанимизни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришда бизга куч-ғайрат бағишлаяпти. Энг улуғ ва энг азиз байрамимизнинг **“Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!”** деган бош ғоя асосида кутиб олингани эса амалга оширилаётган ислоҳотлар изчиллиги ва бардавомлигининг далилидир.

## Бунёдкорлик солномалари

2017 йилдан комбинат учун алоҳида ўзгаришлар даври бошланди, корхона тарихининг саҳифалари янгидан-янги ютуқ ва муваффақиятлар билан бойиди. Ўша йили Навоий кон-металлургия комбинатини ривожлантиришнинг 2026 йилгача мўлжалланган иккита дастури қабул қилинди. Мазкур дастурларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янги қувватларни фойдаланишга топшириш, қазилма бойликлар захираларини қидириб топиш ва уларни кўпайтириш каби вазифалар қўйилди. Бу комбинатнинг барча соҳаларида янгиланиш, туб бурилиш ва улкан ўзгаришлар учун мустаҳкам асос яратди, десак асло муболаға бўлмайди. Давлатимиз раҳбари илгари сурган “Ҳар бир кун — бу имконият, ҳар бир кун — бу келажак пойдевори” шиори корхонамиз раҳбару ишчи-ходимларининг кундалик фаолият дастурига айланди.

Даставвал, бу ишларни амалга ошириш жуда қийинлигини ҳис этардик, ҳатто уларни бажаришга ишончимиз тўлиқ бўлмагани ҳам бор гап. Корхонамизнинг тажрибали муҳандис ва мутахассислари, лойиҳачи ва қурувчилари белгилаб берилган мураккаб, аммо шарафли вазифаларни бажариш учун куну тун елкама-елка туриб ишлашга киришди.

Комбинат жамоасини улкан марраларга руҳлантирган яна бир воқеа тўғрисида айтиб ўтсам. 2018 йилда комбинатнинг 60 йиллиги кенг нишонланди. Байрам муносабати билан мамлакатимиз раҳбарининг жамоамизга йўллаган табригидаги **“Навоий кон-металлургия комбинатининг юксак профессионал малакали, аҳил ва истеъдодли жамоаси кенг миқёсли вазифаларни муваффақиятли адо этишига ишонаман...”,** деган сўзлар кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшди.

Албатта, ҳар қандай катта иш хамирдан қил суғургандек осон битмайди. Зиммамизга юкланган вазифаларни амалга оширишда, аввало, қурилиш ишларини олиб бориш ҳамда технологик жараёнларни ишга туширишда бир қатор муаммоларга дуч келдик. Малакали мутахассисларимиз ва ҳамкорларимиз билан биргаликда уларга ечим топиб, ҳар бир масалани ўз вақтида ҳал этишга эришдик.

Бугун дунёда ҳар бир соҳага илмий ва амалий ёндашиб, янгиликларни изчил татбиқ этиб бориш ҳаётий заруратга айланмоқда. Бу омиллар саноат соҳасида, айниқса, катта аҳамият касб этади. Комбинатда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида чуқур илмий ва амалий изланишлар олиб боришга тўғри келди. Илмий-тадқиқот лабораторияларимизда ўнлаб, юзлаб тажриба ўтказилиб, илмий хулоса ва таклифлар олинди. Бу борада олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг тажрибали олимлари билан доимий ҳамкорлик қилинди. Илмий ишланмаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши олтин таркибли маъдан ва уранни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш самарадорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтиришга замин яратди.

Жамоамиз ўзининг машаққатли ва шарафли меҳнати эвазига катта марраларни забт этиб борди. Комбинатнинг 60 йиллик тарихида тўртта завод барпо этилган бўлса, кейинги олти йилда тўртта янги завод ишга туширилди. Йилига 5 миллион тонна маъданни қайта ишлайдиган 5-гидрометаллургия заводи, йиллик қуввати 16 миллион тонна техноген чиқиндиларни қайта ишлайдиган 7-гидрометаллургия заводи, йилига 12 миллион тонна маъданни қайта ишлайдиган 2-гидрометаллургия заводининг “Б” блоки каби учта завод қаторига мустақиллигимизнинг 32 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилган 6-гидрометаллургия заводи қўшилди. Айни пайтда лойиҳа қиймати 274,7 миллион доллар бўлган ва технологик жараёнлар тўлиқ рақамлаштирилган мазкур корхона ўз фаолиятини бошлади. Янги заводимиз йилига 4 миллион тонна рудани қайта ишлайди.

Шунингдек, “Мурунтов”, “Балпантов”, “Томдибулоқ”, “Пистали”, “Турбай”, “Чуқурқудуқ”, “Марказий-шимолий Амантой” конлари захираларини ўзлаштириш ишлари олиб борилди. Мазкур конларда қазиб олиш ишларини амалга ошириш учун йирик, замон талабларига жавоб берадиган кўплаб тоғ-кон техникалари харид қилинди.



Йирик инвестиция лойиҳалари доирасида Навоий кон-металлургия комбинати томонидан 2017-2022 йиллар мобайнида 12 та техник иқтисодий асос, 7 та техник иқтисодий ҳисоб-китоблар ишлаб чиқилди ва ҳукумат қарори билан тасдиқланди. 100 дан зиёд ишчи лойиҳалар тайёрланиб, давлат экспертизасидан ўтказилди.





***Умуман олганда, комбинат томонидан 2017-2022 йилларда умумий қиймати қарийб 2,2 миллиард доллар бўлган 20 та йирик инвестицион лойиҳа ишга туширилди, 14 мингга яқин янги иш ўрни яратилди. Бунинг ҳисобига корхонада 2022 йилда 2016 йилга нисбатан олтин ишлаб чиқариш ҳажми 21 фоиз, кумуш ишлаб чиқариш ҳажми 46 фоиз ошди.***

Янги Ўзбекистоннинг ушбу янги заводлари мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётгани ҳар биримизга фахр-ифтихор бахш этади.

Бугун ишонч билан айта оламизки, кейинги етти йил мамлакатимиз кон-металлургия саноати, жумладан, комбинатимиз учун янги юксалиш даври бўлди. Ишга туширилаётган заводларимиз учун энг мураккаб асбоб-ускуна ва жиҳозлар, масалан, гидрометаллургия заводлари учун тегирмонларнинг ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани салоҳиятимиз нечоғлиқ ошиб бораётганини кўрсатади. Айни пайтда замонавий завод ва ишлаб чиқариш корхоналари ишончли қўлларда бўлиб, уларни маҳаллий кадрларимиз бошқармоқда.

## Самарадорликка эришиш йўлида

Яқинда келгуси етти йилда мамлакатимизнинг асосий ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Стратегиядан ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароит яратиш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли ҳаёт тарзини янада яхшилаш, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш ҳамда мамлакатни хавфсиз ва тинчликсевар давлатга айлантириш ишларини давом эттириш каби йўналиш бўйича 100 та мақсад ўрин олган.

Стратегияда мамлакатимиз кон-металлургия саноатини ривожлантириш учун катта марралар олинмоқда. Жумладан, 2030 йилга бориб, Ўзбекистонда юқори даромадли маҳсулот учун зарур бўлган мис ишлаб чиқариш 3,5 баробар (500 минг тонна), олтин — 1,5 баробар (155 тонна), кумуш — 3 баробар (500 тонна), уран — 3 баробар (10 минг тонна) ошади.

Навоий кон-металлургия комбинатида келгуси етти йилда 20 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши режалаштирилган. Бинобарин, “Кокпатас ва Довгизтов олтин конларида маъдан қазиб олишнинг 3-босқичи”, “Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги Сармиш кони захирасини очиш ва қайта ишлаш”, “Нуқракон” ва “Космоначи” конларидан кумуш таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуасини қуриш”, “7-ГМЗ қайта ишлаш қувватини кенгайтириш”, “Олтинни уюмда эритиш цехини реконструкция қилиш”, “Янги Довон-Тошкон конида маъданларни қазиб олишни кенгайтириш”, “Мурунтов конини ўзлаштиришнинг (V навбати) 2-босқичи” каби инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш натижасида нафақат қимматбаҳо металлар ишлаб чиқариш ҳажми ошади, балки минглаб янги иш ўринлари яратилади.

Инвестиция лойиҳаларининг истиқболли амалга оширилиши ва келгуси даврларда йирик самарадорликка эришиш учун ҳозирнинг ўзидаёқ Навоий кон-металлургия комбинати томонидан кўплаб лойиҳа, геологик, технологик ва экологик қидирув ишлари олиб борилмоқда. Қолаверса, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда халқаро ESG (Enviromental, Social, Governance) тамойилларини жорий этиш бўйича таҳлилий маълумот ва ҳисоб-китоблар тайёрланмоқда. Айни пайтда лойиҳаларни босқичма-босқич амалга ошириш ишлари, яъни лойиҳа концепцияси, йириклаштирилган техник-иқтисодий асослар йўналишида изчил ишлар бажарилмоқда. Бу вазифаларни ўз вақтида бажариш ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини янада ошириш учун комбинат барча имконият ҳамда ресурсларга эга.

Президентимизнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида **“Мамлакатимизда бугун мавжуд бўлган саноат салоҳияти, очиқ айтиш керак, дунёдаги кўпгина давлатларда йўқ. Биз мана шундай ноёб салоҳиятимизни янада ривожлантириш, юртимизни қудратли индустрия маконига, юқори технологиялар, инновациялар, жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий мамлакатга айлантириш бўйича катта-катта дастурлар қабул қилганмиз ва уларни албатта амалга оширамиз. Биз нафақат моҳир пахтакор ва боғбонлар ўлкаси, балки IT бўйича юқори малакали мутахассислар, инженер ва энергетиклар, кончи ва металлурглар, физик ва кимёгарлар мамлакати бўлишимиз керак”,** деб айтган фикрлари кон-металлургия соҳаси вакиллари учун катта ишонч ва масъулиятдир.

Бугун комбинат жамоаси олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш ҳар биримиздан фидойиликни талаб этади. Бунинг учун замон билан ҳамнафас тарзда дадил ҳаракат қилишимиз керак.

Комбинатнинг аҳил жамоаси ишлаб чиқаришга юқори технология ва инновацияларни жорий этган ҳолда, янги Ўзбекистон кон-металлургия саноати ривожини янги поғонага олиб чиқиш, рақобатбардош, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш орқали жаҳон бозоридан мустаҳкам ўрин эгаллаш йўлида бор куч-ғайрати ва билимини ишга солади.

ДИЛ ИЗҲОРИ

# ИШОНЧ ЯНГИ МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ



**Нуриддин ИМИНОВ, “Водий наслли қуёнлари” МЧЖ раҳбари, “Шуҳрат” медали соҳиби**

**Қўштепа туманидаги “Солижонобод” маҳалла фуқаролар йиғинида “Водий наслли қуёнлари” агрофирмасини ташкил қилганимизга энди тўрт йил бўлди. Бу ерда 16 миллиард сўмлик лойиҳа доирасида Россиядан дастлаб 2 минг зотли қуён олиб келдик. Бугун уларнинг сони 10 мингга етди.**

Қуёнчилик сердаромад соҳа. Битта қуён 120 кунда вояга етади. Гўшт йўналишида 90 кун боқилганда 1,5 килограмм гўшт беради. Тез кўпаяди. Битта қуён бир йилда табиий уй шароитида беш марта, ҳар сафар беш-олтитадан болалайди. Бу ўттизтага кўпаяди, дегани. Қолаверса, ортиқча жой, озуқа, харажат талаб қилмайди.

Узунқулоқларнинг нафақат гўшти парҳезбоп, балки ёғидан ҳам жаҳон косметологиясида кенг фойдаланилади. У инсон саломатлигига, хусусан, болалар ва кекса ёшли кишилар учун ниҳоятда фойдали. Маълумотларга кўра, қуён қонидан тайёрланган зардобни тиббиётда ишлатиш мумкин. Чиқиндиси ҳам деҳқончиликда яхши самара беради. Териси ва мўйнасини саноат усулида қайта ишлаб, экспорт қилса бўлади. Дунё миқёсида қуёнчилик ривожига катта эътибор қаратилаётгани боиси шунда.

Тадбиркорликни Италиядан келтирилган 68 бош наслли қуён боқишдан бошлаганман. Қуёнчиликнинг сердаромад йўналиш эканини билиб, уни янада кўпайтириш, саноат усулида маҳсулот етиштиришга ҳаракат қиляпмиз. Булар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта.

Тадбиркор, ишбилармонларга яратиб берилган шароит ва имкониятлар соҳа ривожига хизмат қилмоқда. Кейинги икки йилда солиқ, божхона, банк кредитлари ажратиш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, техника ва технологиялар олиб келиш, экспорт доирасини кенгайтириш йўлида кўплаб имтиёзлар берилгани айни муддао бўлди.

Нафақат хомашё, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, балиқчилик йўналишларида янги лойиҳаларни ишга тушириш ниятидамиз. Қуёнчилик озуқа базасини кенгайтириш учун 13 гектар ер ажратиб берилди. Омихта ем тайёрлаш тармоғини ташкил қилдик. Бу маҳсулот таннархини камайтириш, сифатини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини икки ҳисса кўпайтириш имкониятини беради. Энг муҳими, эл-юрт тараққиёти, фаровонлиги йўлида меҳнат қилиб кам бўлганимиз йўқ.

Улуғ байрамимиз шодиёнаси кунларида давлат мукофоти билан тақдирланганим менга ғурур бағишлаш билан бирга, катта масъулият ҳам юклайди.

# ИНСОН ҚАДР ТОПГАН ЮРТДА ОБРЎ ОРТТИРДИМ

**Шабон ҲОЖИЕВ, Вобкент туманидаги “Кумушкент ипаги” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби**



**Давлатимиз раҳбари кўксимга орден таққанида кўнглим осмон қадар ўсди, кўзларим ёшланди. Мен инсон қадр топган, меҳнат қилган киши улуғланган, эътироф этилган юртда яшаётганимдан жуда ҳам хурсандман. Меҳнатим орқали халқ мени таниди, эл-юрт орасида обрў орттирдим.**

Президентимизнинг жорий йил 18 августдаги “Тадбиркорлар куни муносабати билан соҳа вакилларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирландим.

Ўзинг таниган, билган, бир заминда яшаётган ҳамюртларинг бир жамоа, бир оила бўлиб, бир мақсад йўлида атрофингга жипслашса, меҳнат қилса, сенга ишонса, бундан фахрланмай, масъулиятни бўйнингга олмай, юксак марраларни кўзламай бўладими?

Корхонамизда 100 дан ортиқ киши доимий иш билан банд. Бундан ташқари, ўтган йили “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган 100 га яқин ҳамюртларимиз корхонада мавсумий иш билан таъминланди.

Сифатни яхшилаш, унумдорликни ошириш, иш ўринларини янада кўпайтириш мақсадида корхонамизга Хитой ҳамда Жанубий Кореядан 800 минг АҚШ долларилик ускуналар олиб келинди. Бугунги кунда корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли ипак маҳсулотлари буюртмачиларимизнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, 242 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Камтарона хизматларимни юксак қадрлаб берилган давлат мукофоти кучимга-куч қўшди, масъулият юклади. Соҳани ривожлантириш, юртимга наф келтириш, ҳамюртларимнинг оғирини тадбиркор сифатида имконим етгунча енгил қилишни кўнглимга тугдим. Бу мақсад йўлида астойдил меҳнат қиламан.

КУН МАВЗУСИ

# ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШГА ЭРИШИШ УЧУН

## БОШҚАЧА ФИКРЛАШИМИЗ, ЯХШИРОҚ ИШЛАШИМИЗ КЕРАК

**Мурод МУҲАММЕДОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор,**
**Мамаюнус ПАРДАЕВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор**

Бошланиши 1-бетда

Муаммонинг мураккаблиги шундаки, токи биз аҳоли кенг қатламларида, ёшидан, жинсидан, касб-коридан қатъи назар, юксак иқтисодий тафаккур кўникмасини шакллантирмас эканмиз, ҳар бир кишини нодир ва ноёб иқтисодий ресурслардан ўринли фойдаланиш санъатига ўргатмас эканмиз, дунёнинг иқтисодий жиҳатдан қудратли мамлакатларидан бири бўлиш борасидаги эзгу мақсадларимиз орзулигича қолиши мумкин.

Иқтисодий тафаккурни иқтисодий юксалишнинг бош омилига айлантиришнинг оддий формуласи қуйидагича: тўқ-фаровон ҳаёт кечириш мақсадида ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш учун бошқачароқ, бугундан яхшироқ ишлашимиз керак. Бунинг учун эса олдингидай эмас, янгича ўйлашимиз зарур. Инсон ўз онгида аксини топган, хулқ-атвор сифатида шаклланган иқтисодий ғоянигина ҳаётга татбиқ қилиши мумкин. Бошқача ифодалаганда, инсон иқтисодий фаолият юритганда фақат ўзининг иқтисодий тафаккуридан келиб чиқиб иш тутади.

### Тарихда кам учрайдиган ноёб воқелик

Юртимиз Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида ишлаб чиқариш кучлари ривожланган ва нафақат сиёсий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам дунёнинг қудратли марказларидан бирига айланди. Бундай даражага эришишда Амир Темурнинг хизмати беқиёс. Унинг оқилона иқтисодий сиёсати Самарқандни Буюк ипак йўлининг энг гавжум чорраҳасига ва дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодий алоқаларини ўзаро уйғунлаштирувчи савдо марказига айлантириш имконини берди. Буюк империя ҳудудида ўрнатилган осойишталик, ташқи таҳдидларга батамом барҳам берилиши, деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқариш кучларининг жадал ривожланиши ва салтанат иқтисодиётининг гуллаб-яшнаши учун қулай шароит ва имкониятлар яратиб берди.

Лекин Амир Темур империясининг парчаланиши салтанат куч-қудратига путур етишига, иқтисодиётнинг батамом издан чиқишига ва охир-оқибат чуқур инқирозга юз тутишига сабаб бўлди. Шундан сўнг ўтган катта тарихий давр давомида Мовароуннаҳр аҳолиси қашшоқлик ва йўқчиликка маҳкум этилди, тил билан ифода этиш оғир бўлган иқтисодий қийинчиликларга дучор бўлди.

Ўз ҳаётида шундай оғир кунларни бошидан кечирган, қаҳатчилик ва очлик азоб-уқубатларидан чексиз изтироб чеккан халқнинг тўкин-сочинликка, мўл-кўлчиликка, тўқ-фаровон ҳаётга эришиш орзуси нақадар кучли, айни пайтда ҳаётий эканлигига амин бўламиз.

Иттифоқни қўмсовчи мутахассислар собиқ советлар ҳукумати ҳукмронлиги даврида Ўзбекистон иқтисодиётида, унинг халқи турмуш даражасида кескин ижобий силжишлар бўлганини қайта-қайта таъкидлади. Бироқ улар биринчидан, собиқ СССР таркибида бўлмаган Осиё давлатлари тараққиёти кимнинг ҳисобидан эришилгани, иккинчидан, советлар таркибидан чиқиб, мустақилликка эришган Ўзбекистоннинг бугунги кунда иқтисодий ўсиш суръатлари кўтарилгани, учинчидан, ўша 1924 йилда СССР таркибига кирмай, ўз мустақиллигини сақлаб қолганида, у балки тараққиётнинг ҳозиргига нисбатан юқорироқ даражаларига эришиши ҳам мумкинлиги хусусида лом-мим демайди.





**Юртимиз Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида ишлаб чиқариш кучлари ривожланган ва нафақат сиёсий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам дунёнинг қудратли марказларидан бирига айланди. Бундай даражага эришишда Амир Темурнинг хизмати беқиёс. Унинг оқилона иқтисодий сиёсати Самарқандни Буюк ипак йўлининг энг гавжум чорраҳасига ва дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодий алоқаларини ўзаро уйғунлаштирувчи савдо марказига айлантириш имконини берди.**

Расмий статистик маълумотларга кўра, 1992 йилда Ўзбекистонда долларнинг харид қуввати паритети бўйича аҳоли жон бошига ўртача ЯИМ ҳажми 1234 АҚШ долларини ташкил этган. Айни шу кезда мазкур кўрсаткич Беларусда 4963, Латвияда 5996, Украинада 6363, Россияда эса 10 805 долларга тенг бўлган.

Энди ушбу рақамларга эътибор қаратайлик. 2022 йилга келиб, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми 6850 АҚШ долларига етди.

Шу мисолнинг ўзи мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан бошланган ва изчил амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг нақадар аҳамиятли ва тўғри йўл эканлиги хусусида аниқ тасаввур беради. Чунки ушбу ислоҳотлар халқимизнинг кўп йиллар орзиқиб кутган умидларини рўёбга чиқаришга, тўқ-фаровон ҳаёт кечиришига имкон берадиган, унинг туб манфаатлари ва эҳтиёжларига мос келадиган миллий иқтисодиётни шакллантиришга йўналтирилган. Танланган стратегия янги Ўзбекистонни пировард натижада дунёнинг иқтисодий жиҳатдан устун ривожланган мамлакатларидан бирига айлантириш учун реал имкониятлар яратиб бермоқда. Бундай имконият тарихда жуда кам учрайдиган ноёб иқтисодий воқелик ҳисобланади.

### Тафаккур қандай ривожланади?

Тобора глобаллашиб, яхлитлашиб бораётган жаҳон хўжалиги шароитида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, унинг халқаро меҳнат тақсимотидаги мавқеи, аввало, мамлакат аҳолисининг иқтисодий тафаккури ривожланганлик даражаси, ундан олинадиган амалий натижа билан белгиланади. Инсоннинг иқтисодий тафаккури жуда кўп омилларнинг кучли таъсири остида шаклланади. Булар сирасига ташқи иқтисодий муҳит, юзага келган иқтисодий вазият, бу борада кутилаётган кескин ўзгаришлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ахборотлашган замонавий макондаги иқтисодий тафаккурни шакллантиришда таълимнинг роли беқиёс. Иқтисодий муаммоларни ҳал этишда иштирок этаётган шахснинг билим даражаси қанча юқори бўлса, унинг когнитив тафаккури, мушоҳада юритиш қобилияти ҳам шунча кучли бўлади.

Жамият аъзолари иқтисодий тафаккурини замон талаблари даражасига кўтариш, уни ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг етакчи омилига айлантириш учун қуйидаги иккита муҳим вазифани бажариш керак.

**Биринчидан,** мамлакатнинг иқтисодий пойдеворини шакллантиришда иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш ва сифатини яхшилаш орқали бевосита иштирок этиш имкониятига эга бўлган мутассади шахслар когнитив иқтисодий тафаккурини юксалтириш талаб этилади. Ушбу тоифага биз давлат органлари ходимларини, раҳбарларни, тадбиркорларни, профессор-ўқитувчиларни, тадқиқотчиларни, иқтисодчиларни, ОАВ ходимларини киритдик. Чунки айнан уларнинг тафаккури, иқтисодий фикрлаш даражаси мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Улар иқтисодий реалликни акс эттирувчи маълумотларни тўплашда, қайта ишлашда, таҳлил қилишда, турли омилларнинг таъсирини аниқлашда, уларга таяниб назарий ва амалий хулосалар чиқаришда, иқтисодий тараққиёт натижаларини халқ орасида тарғиб қилишда, бу борада йўл қўйилган хато-камчиликлар сабабларини очиб бериш ва келгуси йўналишларини белгилашда ва ниҳоят, ижро назоратини амалга оширишда бевосита иштирок этади.

Мухтасар айтганда, ушбу тоифага мансуб аҳоли миллий иқтисодиётнинг ҳолати, унинг глобаллашган жаҳон хўжалигидаги мавқеи, иқтисодий ўсиш суръатлари ва сифати учун масъул. Шу билан бирга, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий юксалиш суръатларига бевосита таъсир кўрсатиш, аниқроғи, уни янада жадаллаштириш имкониятига эга бўлади. Шу сабабли, макро ва микро даражада йўл қўйилган хато-камчиликлар учун уларнинг моддий ҳамда маънавий жавобгарлигини ошириш, айни пайтда тараққиётнинг юксак даражаларига эришишдаги хизматларини рағбатлантиришнинг самарали механизмлари яратилиши лозим.

**Иккинчидан,** иқтисодий тараққиётга алоқадорлиги нуқтаи назаридан биринчи гуруҳга кирмаган барчанинг иқтисодий саводхонлигини ошириш ва бу йўналишдаги фикрлаш қобилиятини ривожлантириш зарур. Ушбу тоифага ишчи-ходимлар, ишсизлар, балоғат ёшига етмаганлар, пенсионерлар, ногиронлар, қисқаси, аҳолининг барча қатламлари киради. Улар иқтисодий тараққиётга бевосита бўлмаса-да, билвосита таъсир кўрсатади, иқтисодий фаолият юритади, истеъмол қийматига эга ноз-неъматлар яратади. Инсоннинг яратувчилик фаолияти доимо янги, инновацион ғояларни излашга, иқтисодий тафаккур юритишга, саводхонликка таянади. Айни пайтда ушбу гуруҳга мансублар ижтимоий ишлаб чиқаришда яратилган барча ноз-неъматларнинг истеъмолчиси ҳисобланади.

Бугунги кунда истеъмол маданиятининг давр талабларига жавоб бермаслиги ва бу иллатнинг асосий сабабчиси, аслида, аҳолининг муайян қисмининг иқтисодий фикрлаш доираси заифлиги, бу борада саводхонлик даражаси пастлиги, когнитив билимларнинг етишмаслиги билан боғлиқ. Бунинг оқибатида мамлакатда нодир ва бебаҳо иқтисодий ресурслардан, улардан тайёрланган маҳсулот ҳамда хизматлардан фойдаланишда катта исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Тежамкорлик тамойиллари қўпол тарзда бузиляпти.

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад халқимизнинг ҳаёт фаровонлигини юксалтириш, жаҳонда янги Ўзбекистон мавқеини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Эътиборлиси, бугунги кунда юртимизда тарихда қоладиган ва келажак авлод катта миннатдорчилик билан тилга оладиган иқтисодий жараён кечяпти. Бизнинг назаримизда, ҳозирги пайтда жаҳоншумул эзгу ниятларга эришишнинг, мамлакатда содир бўлаётган иқтисодий ўсиш суръатларини янада жадаллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири — аҳоли кенг қатламлари орасида иқтисодий тафаккур юритишнинг замонавий намуналарини ўзида мужассам этган қобилият ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат. Янги Ўзбекистонни дунёнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган, ибрат олишга арзийдиган давлатларидан бирига айлантиришнинг учта манбаи бор. Биринчиси, асрлар давомида аждодларимиз меҳнати ва ақл-заковати билан яратилган ва бугунги кунда биз ўз эҳтиёжларимиз йўлида фойдаланишга ҳақли бўлган бебаҳо тарихий мерос. Иккинчиси, сахийлик билан бизга инъом этилган нодир ва ноёб табиий ресурслар. Учинчиси, иқтисодий тараққиётда, том маънода, туб бурилиш ясашга, бу борадаги улуғ мақсадни амалий натижага айлантиришга тайёр турган, лекин вазият тақозоси билан муайян қисми хорижда меҳнат қилиб юрган ишчи кучи ресурслари. Ўйлаймизки, ҳар учала манбанинг улкан имкониятларини рўёбга чиқариш муаммосининг ечими халқнинг иқтисодий саводхонлигини кескин ошириш, фикр юритиш қобилиятини бугунги кун талаблари даражасига кўтариш билан узвий боғлиқ.

Бунинг ечими сифатида одамларнинг иқтисодий тафаккурини юксалтиришга, уни тараққиётнинг бош омилига айлантиришга қаратилган “Иқтисодий тафаккур — иқтисодий юксалиш таянчи” шиори остида саъй-ҳаракатларни йўлга қўйишни таклиф этган бўлардик. Бу, ўз навбатида, уларнинг иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришдаги ролидан ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий фикрлаш доирасини кенгайтиришнинг самарали чора-тадбирлари ва уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бунда уларнинг иқтисодий билим ва кўникмалари, тафаккур юритиш даражасини баҳолашнинг табақалашган кўрсаткичлар тизимини ҳам яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, ушбу чора-тадбирлар таркибида ҳар бир гуруҳ намояндалари учун ўзларининг иқтисодий билимдонлигини ошириш борасида эришган ютуқларини, кўрсатган жонбозлик ва ташаббусларини рағбатлантиришнинг, шунингдек, йўл қўйган хато-камчиликлари учун жавобгарлигини оширишнинг самарали тизимлари ўз аксини топиши зарур.

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

# АҲОЛИ ХИЗМАТИДАГИ ТИББИЁТ

## БУ ОДАМЛАР ҲАЁТИ ВА УМР МАЗМУНИНИ ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИРМОҚДА?

**Зумрад БЕКАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

**Мустақил тараққиёт йўлимизнинг ўттиз икки йиллигини нишонлаяпмиз. Мустақиллик бизнинг қадримиз ва қаддимизни тиклади. Бу улуғ неъмат ажри ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида, ҳар бир соҳада намоён бўлмоқда. Соғлиқни сақлаш тизими ана шундай муҳим соҳалардан биридир. Изчил амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар натижасида тиббиёт соҳаси катта ўзгаришлар, янгиланишларга юз тутди.**



Соғлиқни сақлаш тизимининг барча даражасида тиббий хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш, аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланиш қулайлигини таъминлаш, жумладан, замонавий, юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари сони 7 йилда 10 тадан 24 тага етди.

Илгари бундай марказлар фақат пойтахтимизда жойлашган бўлса, бугунга келиб, ҳудудларда уларнинг 270 та филиали, туманларда 300 дан зиёд бўлими ташкил этилди. Марказлар амалиётига 106 турдаги, вилоят даражасида 202 турдаги, туман даражасида 85 турдаги янги диагностика ва жарроҳлик усуллари татбиқ қилинди. Бу саъй-ҳаракатлар орқали ҳудудлардаги юқори технологик операциялар улуши 23 фоиздан 55 фоизгача етказилди. Жорий йил якунигача марказларда яна 124 турдаги, вилоят даражасида 102 ва туман даражасида 55 турдаги диагностика ва жарроҳлик усулларини татбиқ қилиш режалаштирилган.

Инсон манфаатларини таъминлаш, одамларни рози қилишга қаратилган бундай ўзгаришлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Масалан, айни пайтда юртимизда инсон аъзолари трансплантацияси амалиёти жорий этилиб, бундай операциялар айрим ҳудудларда ҳам ўтказиляпти. Бугунги кунда беморлар пойтахтга эмас, аксинча, марказларнинг профессор-мутахассислари жойларга чиққан ҳолда беморларга ёрдам кўрсатадиган, ҳудудлардаги мутахассисларга маҳорат дарслари ўтадиган тизим яратилди. Соҳага янги технологиялар жорий этилиши ҳудудлардаги ходимлар ва беморлар учун янада қулайлик яратиб, марказлардаги етук мутахассислар маслаҳатини телетиббиёт орқали ҳам олиш имконини бермоқда.

Хусусий тиббиёт ташкилотларига 130 дан ортиқ ихтисослик бўйича лицензия олишга имкон яратилгани сабабли (2016 йилда 50 та ихтисослик бўлган) улар сони 2 баробардан зиёд кўпайди. Шундан 1,5 мингдан ортиғи янги тиббий ихтисосликлар ҳисобига фаолиятини кенгайтирди.

Ана шундай ихтисослаштирилган тиббий хизматлардан бири кардиология йўналишидир. Бу йўналишни ислоҳ қилиш юрак-қон томир хасталиклари туфайли юз бериши мумкин бўлган нохуш вазиятларнинг олдини олишга катта имкон берди. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасасига айлантирилиб, тиббий хизматлар кўрсатишнинг кардиология йўналиши бўйича мамлакатнинг бош муассасаси этиб белгиланди, барча ҳудудларда ушбу марказ филиаллари ташкил этилди.

Президентимизнинг ўтган йил март ойида соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари билан ўтказган очиқ мулоқотида илгари сурган ташаббуслари асосида бугунги кунда юрак-қон томир касалликларини даволашга ихтисослаштирилган бўлимлар туман (шаҳар) даражасида ҳам ташкил этила бошлади. 2022 йилдан туман марказий шифохоналаридаги ўринларнинг 10 фоизи неврология, эндокринология, кардиология касалликлари учун ажратилиб, бюджетдан молиялаштирилиши жорий этила бошлаган бўлса, бу кўрсаткични жорий йилда 20 фоизга етказиш белгиланган. Бугунги кунга келиб, туман (шаҳар) марказий шифохоналарида кардиология йўналиши бўйича қарийб 2,8 минг шифо ўрни ташкил этилган.

Бундай тиббий хизмат кўрсатувчи муассасалар жаҳон андозаларига жавоб берадиган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, юқори технологик даволаш ва диагностика усуллари амалиётга кенг жорий этилди. Масалан, юрак-қон томир касалликлари диагностикаси ва даволашда муҳим бўлган тиббий ускуналар бугунги кунда ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларигача етказиб берилмоқда.

Яна бир ҳаётий мисол. 7-8 йил аввал республика бўйича 3 та ихтисослаштирилган тиббиёт марказида ҳамда Хоразм ва Наманган вилоятларида ангиограф ускунаси бўлган. Ҳозирги кунда ангиограф ўрнатилган тиббиёт муассасалари сони 40 дан ошди. Жорий йилда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро ва Фарғона филиалларида интервенцион кардиология биноси ишга туширилиб, уларда ҳам ангиограф ускунаси ўрнатилди. Натижада коронарография амалиёти 5,4 марта ва стентлаш амалиёти 5,8 марта кўпайди.



Мамлакатимизда очиқ усулдаги кардиожарроҳлик амалиётлари ўтказилиши ҳам йўлга қўйилди. 2015 йилда 615 беморда шундай амалиёт ўтказилган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу кўрсаткич 9000 дан ошди.

Бугунги кунда туғма юрак нуқсони бўлган болаларда жарроҳлик амалиёти ўтказиш Самарқанд, Наманган, Фарғона, Андижон ва Хоразм вилоятларида ҳам йўлга қўйилган. Коронарография, стентлаш, кардиожарроҳлик амалиётларининг вилоятларда ҳам йўлга қўйилгани юқори технологик тиббий ёрдамдан фойдаланиш қулайлиги, сифати ва кўлами ошишига замин яратди.

Ҳудудларда аҳолига кўрсатилаётган кардиологик хизматлар тури 35 тадан ошди. Амалиётга 18 турдаги, вилоят даражасида 36 турдаги, туман даражасида 8 турдаги янги диагностика ва даволаш усуллари татбиқ қилингани кардиологик касалликларни эрта аниқлаш, касаллик аниқланган беморларда ўз вақтида даволаш муолажаларини амалга ошириш, энг муҳими, жойларда кўрсатиладиган кардиологик ёрдам кўламини кенгайтириб, беморларнинг вилоят марказига, пойтахтга бориб вақт ва пул харажатини камайтириш имконини беради.

Соҳада малакали мутахассисларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кардиология йўналиши бўйича 30 дан ортиқ мутахассис хорижда, туман тиббиёт бирлашмаларининг 250 дан зиёд мутахассиси пойтахтда малака оширди. Ушбу йўналиш бўйича кадрлар таъминотини янада яхшилаш мақсадида 200 га яқин шифокор ўз иш жойида, 26 нафари хорижда қайта тайёрловдан ўтказилди.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари таркибида 35 та туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари ташкил этилаётгани “олтин соат” тамойили асосида, тиббий ёрдамга муҳтож беморларга шошилинч ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни ўз вақтида кўрсатиш ҳисобига фуқаролар ҳаётини сақлаб қолиш имконини кенгайтиради.

Ихтисослаштирилган марказлар фаолиятида яна бир муҳим янгилик шундаки, тиббий суғурта механизми жорий этилгани, кафолатланган тиббий хизмат доирасида юқори технологик амалиётларни ҳам давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ўтказиш имконини бермоқда. Хусусан, бу тизим жорий қилинганидан буён ўтган 1,5 йил давомида 850 дан зиёд беморда юқори технологик, интервенцион, аритмологик ва кардиожарроҳлик амалиётлари бепул ўтказилди.

Ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ислоҳотлар туфайли 2022 йил якунлари бўйича республикамизда юрак-қон томир касалликлари сабабли содир бўлган ўлим ҳолати жами кўрсаткичлар билан солиштирганда 56,2 фоизни ташкил этиб, 2021 йилга (61,7 фоиз) нисбатан 5,5 фоизга камайган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида беморларда юқори сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти янада кенгайди. Бу эса халқимизнинг яшаш сифатини яхшилашга, ўртача умр кўриш давомийлигини узайтиришга хизмат қилаверади.





# МУДҲИШ СИЁСАТ қурбонлари

## ЁХУД ФАРҒОНАЛИК ЗИЁЛИЛАРНИНГ АЯНЧЛИ ҚИСМАТИ ХУСУСИДА

МОЗИЙГА НАЗАР

**Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Мустабид тузум даврида турли сиёсий-ижтимоий, ғоявий-диний сабабларга кўра кўплаб давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндалари, оддий касб эгаси бўлган минглаб юртдошларимиз қатағонга учради. Уларнинг қанчаси “халқ душмани” деган туҳмат билан отиб ташланди. Яна қанчаси сургун қилиниб, азоб-уқубатларга дучор этилди, мол-мулклари тортиб олинди.**

Истиқлол туфайлигина уларнинг аянчли тақдири билан боғлиқ асл ҳақиқатлар юзага чиқди. Мард ва матонатли кишилар номини оқлаш йўлидаги изланишлар ортидан эрта сўнган минглаб тақдирларнинг ҳаёт ҳақиқатлари тикланди.

Фарғона давлат университети ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси музейида тўпланган маълумотлар, осори атиқалар сиёсий қатағон йилларида ноҳақ қурбон бўлган фарғоналиклар номини аниқлаш, улар қолдирган бой меросни ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш, илмий тадқиқот, бадиий ва ҳужжатли асарлар яратишда ўзига хос имкониятлар тақдим этиб келмоқда.

2018 йил август ойида фаолият бошлаган музейда қисқа вақт ичида халқимиз тарихи билан боғлиқ кўплаб муҳим манбалар ҳақида қизиқарли маълумотлар тўпланган. Бу ердаги 4 бўлимга жам бўлган мингдан ортиқ ноёб экспонат, фотолавҳа, 600 га яқин ўқув-услубий қўлланма маъшум қатағон йилларидаги “қора сиёсат” ҳақида сўзлайди.

Бу ер, аввало, олий ўқув юрти ўқитувчи ва талабалари, ўрта таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар учун катта ибрат масканига айланди. Шунингдек, Япония, АҚШ, Жанубий Корея, Туркия, Франция, Германия, Россия каби 20 дан ортиқ хорижий давлат тадқиқотчи олимларига, кўнгилли қизиқувчиларга илмий тадқиқот йўналишларида изланишлар олиб бориш имкониятини бермоқда.



— Президентимизнинг “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши бу борадаги эзгу ишларни янги босқичга олиб чиқди, — дейди Фарғона давлат университети ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори Собиржон Сиддиқов. — Миллий уйғониш ҳаракати намояндаларининг тазйиққа олиниши, 1930-йиллар бошидаги қулоқлаштириш сиёсати, 1937-38 ва 1940-50-йиллардаги қатағонлар, 1980-йиллардаги “ўзбеклар иши”, “пахта иши” каби сиёсий тазйиқлардан омон чиқмаган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш, ҳаётига оид маълумотларни ўрганиш ва тарихга муҳрлаш муҳим амалларимиздан. Қатағон қурбони бўлганларнинг авлодлари ва яқинлари, ўша давр воқеаларини чуқур биладиган кекса кишилар хотираларини ёзиб олиш, тарихий материаллар, ноёб суратларни тўплаш ишларини мунтазам равишда давом эттириб келяпмиз. Шу кунга қадар суронли йиллар қурбони бўлган 2300 дан ортиқ фарғоналик аниқланиб, уларнинг ҳаёт йўллари ҳақида маълумот берувчи “Мудҳиш сиёсат қурбонларига айланган фарғоналиклар ёхуд айбсиз айбдорлар” номли кўп жилдли китобнинг дастлабки нусхаси нашрга тайёрланди. Бу борадаги изланишларимиз тўхтагани йўқ. Манбаларда Ашурали Зоҳирий, Боси Қориев, Лутфулло Содиқов, Тожихон Шодиева, Авлиёхон Муҳаммадиев, Раҳим Раҳмонов сингари сиёсий зулмга учраган 10 мингдан ортиқ айбсиз айбдор фарғоналик борлиги қайд этилган. Уларни ўрганиш, ҳаёт йўллари ҳақида ҳақиқатни холис ошкор этиш борасидаги изланишларни бир дам бўлса-да, сусайтирганимиз йўқ.

Қатағонга учраганларни аниқлаш мақсадида шаҳар ва туманлар, вилоят ва республика архив ва кутубхоналари билан яқин ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Изланишлар туфайли 1887 йилда Чимён қишлоғида дурадгор-аравакаш оиласида туғилган, сабабсиз қатағонга учраган Абураҳмон Миролимов борлиги аниқланди. У Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олиб, илмий-диний билим эгаси бўлгани учун юртидан қувғин қилинган. Чорак аср ўзга юртларда сарсон-саргардон бўлишга мажбур этилган фозил киши 1977 йилда яқинлари бағрига қайтиб, шу ерда қазо қилади. Олтиариқ тумани Катпут қишлоғида “пахта иши” бўйича ноҳақ айбланиб, жабрланган Холбой Отабоев, собиқ “Комсомол” жамоа хўжалиги раиси Ғуломжон Хидировнинг аянчли қисмати билан боғлиқ экспонатлар музей фондига олиб келинди.

Музей экспонатлари суронли йиллар қурбони бўлган юртдошларимиз ҳақидаги маълумотлардан ташқари ноёб осори атиқалар билан ҳам бойиб бормоқда. Хусусан, XVII асрга оид ёғоч кавуш, кўза, XVIII асрларга оид араб ёзувидаги ноёб китоблар бу йўлдаги изланишлар маҳсули сифатида музей фондидан жой олган.

Филология фанлари доктори, профессор Бакир Чўпонзода 1893 йил 15 майда Россиянинг Симферополь уездига қарашли Қорасувбозор қишлоғида чўпон оиласида туғилди. Шунинг учун ўзига Чўпонзода деб тахаллус танлаган. Бакир ёшлигидан илм-маърифатга қизиққан иқтидорли бола эди. Дастлаб қишлоғидаги мактабда савод чиқарди. Қобилиятидан хабардор бўлган Қорасувбозор хайрия жамғармаси ташаббуси билан у Туркияга ўқишга юборилди. 1909-1914 йилларда Истанбулдаги турк лицейининг тил ва адабиёт бўлимида ўқиш билан бирга Истанбул университети ҳузурида очилган 3 йиллик курсга қатнаб, араб, форс, француз тилларини ўрганди. Натижада бу фанлардан мактаб ва лицейларда дарс бериш ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома олди.

Қримга қайтган Чўпонзода рус тилини ўрганиш мақсадида порт шаҳри Одессага келади. Аммо Биринчи жаҳон уруши бошланиши муносабати билан ҳарбий хизматга чақирилди. Урушда қатнашиб, асир тушади ва Венгрияга юборилади. Уруш тугагач, асирликдан қутулган Бакир Будапешт университетининг тарих-филология факультетида ўқийди. Бу ерда семит, фин-угор тилларини ҳам ўрганади. Бир вақтда 7 та тилни яхши ўзлаштирган билимдон ва қобилиятли йигитни университетнинг шарқ тиллари кафедрасида ишга олиб қолишди. Шу ерда ишлаб юриб, 1919 йилда диссертация ёқлади ва филология фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди.

Венгрияда 6 йил яшаган Чўпонзода 1920 йилнинг июнь ойида Қримга қайтиб келди ва Таврия университетининг шарқшунослик факультетида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. 1922 йилда унга профессор илмий унвони берилди. 1925-1927-йилларда Бокуда яшади ва Боку дорилфунунида профессор лавозимида дарс берди. Бу пайтда шўро ҳукумати Марказий Осиё ва Кавказ республикаларида ёзувни ўзгартириш сиёсатини бошлаб юборган эди. Янги имло — лотин алифбосига асосланган ёзувни зудлик билан жорий этиш ниятида ҳукумат Чўпонзода сингари обрўли, билимдон туркологларни ишга солади. Лотин ёзувига асосланган алифбога ўтиш масаласида Бакир Чўпонзода 1926 ва 1928-йилларда Ўзбекистонга таклиф этилади. У Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган шаҳарларида бўлади. Тошкентдаги Ўрта Осиё давлат университети, Самарқанддаги Олий педагогика институти, Фарғона шаҳридаги педагогика техникумида маърузалар ўқийди, суҳбатлар ўтказади. Фарғона водийсида бир неча кун бўлган олим бу ерни ва унинг билимга иштиёқманд, самимий одамларини ёқтириб қолади.



1930-1935-йиллари Фарғона давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири вазифаларида ишлади. Кафедра мудири лавозимидан озод этилгач, Ўрта Осиё давлат университетида, кейин Бухоро давлат педагогика институтида ҳам меҳнат қилди. Иқтидорли тилшунос олим оммавий қатағондан четда қолмади. У 1937 йилнинг 28 январида қамоққа олиниб, шу йили 13 октябрда отиб ташланади.

— XX аср бошларида Марказий Осиёда кенг қанот ёзган маърифатчилик ҳаракатининг атоқли вакили, машҳур туркийшунос олим ва шоир Бакир Чўпонзоданинг номи Авлоний, Фитрат қаторида ҳамма учун қадрли, — дейди Собиржон Сиддиқов. — Фарғона давлат педагогика институтининг дастлабки йилларида асос солган илмий йўналиши — туркий тиллар тарихи, ўзбек мумтоз адабиёти поэтикасини тадқиқ этиш борасида бошлаб берган изланишлари академик В.Абдуллаев, Ғ.Абдураҳмонов, филология фанлари доктори А.Иброҳимов, А.Матғозиев томонидан давом эттирилди. У жаҳон туркийшунослик фани тараққиётига катта ҳисса қўшган ва шу соҳада кўплаб шогирдлар етиштирган забардаст олим сифатида Фарғона давлат университети тарихида муҳим ўрин эгаллаган. Олимнинг 150 га яқин илмий асари ўнлаб тилларда нашр этилган.

Сирасини айтганда, мустабид тузум даврида бегуноҳ инсонларнинг умри хазон, қанчадан-қанча оилалар хонавайрон бўлганини тарих, бугунги ва келажак авлод асло унутмайди. Эл-юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлганларнинг матонатли ҳаёт йўллари, қилган ишлари ҳамиша барҳаёт.

ҲУНАРМАНДЛИК



# АНДИЖОН ГИЛАМЛАРИ

## ЎЗ ДАВРИДА ЖАҲОН БОЗОРИДА МУНОСИБ ҚАДРЛАНГАН

**Андижон гиламларининг ўтмиши қанди қабиласига мансуб хидирша уруғига бориб тақалади. Тарихий манбаларда айтилишича, хидирша уруғи қадимда Ўратепада яшаган, кейинчалик ҳозирги яшаётган жойларига, яъни Андижон вилоятининг Хўжаобод ва Қўрғонтепа туманлари ҳудудидаги Дардоқ, Хидирша қишлоқларига кўчиб келган. Уруғ аёллари кундалик турмуш ва ўтов учун зарур гилам, хуржун, йўл халта, уст-бош халтаси — чавадон (қопга ўхшаш идиш) тўқиган бўлса, кейинчалик буюртмалар асосида ва бозорларда сотиш учун махсус гиламлар тайёрлаган. Бу ҳунар секин-аста айрим оилалар учун тирикчилик манбаига айланиб борди.**

**Дилфуза МАВЛОНОВА,
Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи сектор мудири**

Хидирша гиламлари XIX аср охири ва XX аср бошларида Андижондаги машҳур гилам бозорининг энг олди моли ҳисобланган ҳамда бутун Фарғона водийсида шуҳрат қозонган. Шунингдек, савдо алоқалари туфайли бошқа шаҳарларга — Тошкент, Самарқанд ва Бухорога ҳам тарқалган.

Хидирша гиламларининг безаги бой ва хилма-хил. Унда тотем ва астрал тимсоллар кўп. Ғозпанжа, тол барги, узум барги ва меваси, олмакўчат, қўчқароқ, итқуйруқ, йўлбарстовон, қийғиркўз, қўғирчоқ боши, туморча, балдоқ, ой, юлдуз каби ўнлаб шакллардан иборат рамзий нақшлар хидирша гиламларига алоҳида жозиба бахш этади.

Гиламларнинг безаклари композицион тузилиши жиҳатидан сатҳ ва ҳошиядан иборат, нақшлар кўпинча ромб, кўпбурчак, доира каби тўрсимон шакл ичига ёки ромблар шаклидаги йирик турунжлар атрофидаги нисбатан майдароқ нақшлар билан тўр-турунж кўринишида жойлаштирилади. Гилам безашда бурчаклари шох гажакли, тент томонли хоч шаклидаги нақш тури — кайкалак алоҳида аҳамиятга эга. Бу анъанавий услуб тотем маросимлар, илоҳиётга сиғинишлар билан боғлиқ. Гиламлардаги ой ва юлдузсимон нақшлар қадимги кўчманчиларнинг самовий жисмларга сиғинганидан далолат.



Тўқувчилар юқори сифатга эришиш учун безак ва рангларнинг ўзаро уйғунлигига алоҳида эътибор қаратган. Аксарият гиламлар сатҳида қизил, тўқ кўк ва зангори ранглар уйғунлиги бош мезон бўлса, айрим ҳолларда тилла ранг, оқ, сариқ, қип-қизил, баъзан яшил, оч кўк ва пушти ранглар етакчилик қилади. Баъзи гиламларда асосий эътибор сариқ ва кўк рангларга қаратилган. Ушбу ўзгаришлар тижорат манфаатлари билан боғлиқ эди. Ҳар икки ҳол ҳам XX аср бошларидаги анъанавий хидирша гиламларига хос бўлган. Умуман, гиламларнинг бадиий безаги юқори даражадаги ранглар уйғунлиги билан ажралиб туради.

Андижон вилояти тарихи ва маданияти музейи тўпламидаги “қўчқароқ” ва “чаён” нусхали гиламлар XIX аср охири ва XX аср бошларига оид бўлиб, юқоридаги бадиий хусусиятларга эга. Ўрта Осиё гиламчилиги бўйича мутахассис этнограф В.Мошкованинг ёзишича, хидиршаликлар сотиш учун гилам тўқишда Шарқий Туркистон, Башир (Амударёнинг ўрта оқими, Туркманистон ҳудуди), шунингдек, Эрон гиламлари нақшларидан ҳам фойдаланган. Хусусан, бодом, бута нақшини эслатувчи чаён ёки чаён кочот нақши ҳам форс гиламчилигининг таъсиридан далолат беради. Одатда гиламларнинг сифати уларнинг тўқуви зичлиги, хомашё таркиби ҳамда бўёқлар сифати билан белгиланади.

Асоси жун, ип ва баъзида ипак аралашмасидан, пати эса туя, эчкининг олий навли жунларидан тўқилган. В.Мошкованинг ёзишича, аввалги гиламларнинг вазни оғир бўлган. XIX аср охирларига келиб, асоси ингичкалашиб, нафислиги ортиб борган. Бундай гиламлар жаҳон бозорида қадрланган ва юқори баҳоларда сотилган. XIX аср охири XX аср бошларида гиламчилик шу даражага етдики, Андижонда гилам савдоси билан шуғулланувчи марказ очилиб, маҳаллий ва Шарқий Туркистон ўлкаларидан келтирилган гиламлар билан савдо қилинган.

Бироқ бу ҳол узоққа чўзилмади, буюртмалар кўплиги, гилам тўқишдаги шошма-шошарлик, сифатсиз хомашёдан фойдаланиш, тажрибали тўқувчилар етишмаслиги, малакасиз ижрочилар иштироки, табиий бўёқлар ўрнини кимёвий анилин бўёқлари эгаллаши, Биринчи жаҳон уруши ва ундан кейинги нотинчликлар, сиёсий тузумнинг ўзгариши гиламчилик соҳаси ривожига салбий таъсир кўрсатди. 1932 йил Қўрғонтепа туманининг Дардоқ қишлоғида дастлабки гиламчилик артели ташкил этилган. Кекса тўқувчи Кимсан она устозлигида қадимий анъанавий хидирша гиламларига портретлар ҳам туширилган. 1947 йил чеварчилик ва каштачиликка ихтисослашган “Меҳнат гули” артели очилди. Бу артелга умрининг кўп йилларини бағишлаган Майсара Эрматова раҳбарлик қилган йилларда Андижонда гиламдўзлик устахонаси ташкил этилиб, Дардоқдан Кимсан она, Ойимхон ва Меҳринисо Тешабоева каби гиламдўзлар ишга таклиф этилди. Устахонага эски шаҳардаги бир масжиддан жой ажратилди. Тўқиш дастгоҳи ясалди, ип, ипак, жун каби хомашёлар келтирилди. Шу тариқа шаҳарда қадимий анъанавий гилам тўқиш иши қайта тикланди. Айниқса, М.Тешабоева узоқ йиллар фаолият юритди. У Наримон Расулов, Клавдия Тарасова, Надежда Карлова каби тажрибали тўқувчиларга гиламдўзлик санъати сирларини ўргатди.

1961 йил Андижоннинг “Хидирша” гилами Москвадаги Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг 1-даражали диплоли билан тақдирлангани ҳам маҳаллий гиламдўзлар ютуғидан далолат беради. Музей жамғармаси ва экспозициясидан, асосан, қўл чархида йигирилган пахта ипидан тайёрланган гиламлар ҳам жой олган. Ширмонбулоқда бундай гиламлар “терма” деб юритилади. Улар махсус дастгоҳда эни 20, 40, 60 сантиметр ўлчамларда тўқилади ва бу энлар ёнма-ён қўшиб тикилади. Атрофига энсиз қора матодан манғиз тикилиб, мустаҳкамланади. Терма гиламлар рўзғорда кенг қўлланилади, келин сепига берилади.

Табиий бўёқлардаги аввалги терма гиламлар сифатли ва чидамли бўлган. Ҳозир тўқувчилар ипларни бўяшда анилиндан фойдаланади. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги қирғиз хуржунлари, Ўғилой Ҳакимова, Муҳаббат Мирзакаримова каби тўқувчиларнинг 1980-йиллардаги терма гиламлари, Жалақудуқ туманидаги Сўфиқишлоқ момиқ фабрикасида тўқилган гиламнинг андоза нусхаси музейдаги энг қизиқарли экспонатлар сирасига киради.

Шунингдек, К.Тарасова ижодига мансуб “Хидирша” ва “Ғунча” нусхали гиламлар ҳақида ҳам айтиб ўтиш даркор. “Хидирша” гилами 1976 йилда сотиб олинган. У анъанавий кўк ва қизил ранглар уйғунлигида, безагида қўчқароқ нақши устувор. “Ғунча” гиламининг марказий сатҳи нақшига услублаштирилган ғунча тасвири маҳорат билан жойлаштирилган. Бу гиламларнинг арқоғи жундан.

Музейдаги гиламлар коллекцияси Фарғона водийсидаги гиламдўзлик ривожини кўргазмали тарзда акс эттиради.

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-946.
43555 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Улуғбек Асроров
Мусаҳҳиҳ: Рашид Хўжамов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 21:15 Топширилди — 22:15